БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 64 (811)

30 МАРТ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматлари Декларацияси ҳамда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги Баёнот имзоланди

28 март кечқурун Катта Кремль Саройида Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматлари Декларацияси имзоланди.

Декларацияни СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Раиси Янош Кадар имзолади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги Баёнотни КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари Н. С. Хрушчев ва ВСИП Марказий Комитетининг Раиси Янош Кадар имзолади.

Имзолаш вақтида Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумат-партия делегациясининг аъзолари ҳамда Партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматларининг

Д Е К Л А Р А Ц И Я С И

Совет Иттифоқининг Ҳукумат Делегацияси билан Венгрия Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегацияси ўртасида Москвада 1957 йил 20 мартдан 28 мартгача музокаралар бўлиб ўтди.

Музокараларда қатнашдилар:

Совет Иттифоқининг Ҳукумат Делегацияси: СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчев, СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи Ўринбосари А. И. Микоян, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари Г. М. Маленков, СССР Мудофаа министри Г. К. Жуков, СССР Ташқи Ишлар Министри А. А. Громико, СССРнинг Венгрия Халқ Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Е. И. Громов.

Венгрия Халқ Республикасининг Ҳукумат Делегацияси: Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Раиси Янош Кадар, Венгрия Халқ Республикаси Президиумининг Раиси Иштван Доби, Саноат Министри Антал Апро, Ташқи Ишлар Министри Имре Хорват, Маданият Министри Дюла Каллаи, Давлат Мажлисининг Депутати Карой Кишш, Мудофаа Министри Геза Ревес, Венгрия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Янош Болдотский.

Бундан ташқари музокараларда қатнашдилар:

Совет томонидан—

СССР Ташқи Савдо Министри И. Г. Кабанов, СССР Молия Министри А. Г. Зверев, Иқтисодий Алоқа ишлари Бош Бошқармасининг бошлиғи П. В. Никитин, СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосарлари Н. С. Патоличев ва А. В. Захаров, Ташқи Савдо Министрининг Ўринбосарлари С. А. Борисов ва И. Ф. Семичаснов, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг коллегия аъзолари И. К. Замчевский ва Л. Ф. Ильичев, шунингдек бошқа маслаҳатчилар ва экспертлар.

Венгрия томонидан—

Давлат План Комиссиясининг Раиси Арпад Кишш, Металлургия ва машинасозлик министрлигининг раҳбари Янош Черге, Ташқи савдо министрлигининг раҳбари Йене Инце, Молия министрининг биринчи Ўринбосари Иштван Антош, Ташқи ишлар министрининг Ўринбосари Иштван Шебеш, Давлат План Комиссияси раисининг Ўринбосари Петер Вайи, Венгрия Халқ Республикаси Министрлар Совети Информация Бошқармасининг бошлиғи Иштван Сирмаи, Венгрия Халқ Республикасининг Иқтисодий Ўзаро ёрдамлашиш Кенгашидаги доимий вакилининг Ўринбосари Дьердь Островски, Венгрия Ташқи Ишлар Министрлиги Информация бўлимининг бошлиғи Ласло Дьярош, шунингдек бошқа маслаҳатчилар ва экспертлар.

Совет Иттифоқи Ҳукумати билан Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасидаги музокаралар чинакам қардошларча дўстлик вазиятида ўтди. Томонлар совет-венгрия муносабатларини ривожлантиришнинг барча асосий масалаларида, шунингдек ҳозирги халқаро аҳволга баҳо беришда ўз ўрталарида тўла ҳамжиҳатлик мавжудлигини аниқладилар. Музокаралар вақтида Венгрияда яқинда бўлиб ўтган контрреволюцион исён ҳамда бунинг оқибатида рўй берган аҳвол билан боғлиқ масалалар устида ҳам, шунингдек Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш масалалари устида ҳам фикрлашиб олинди. Шу нарса қайд қилиндики, шу муносабатларга асос қилиб олинган ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамлашиш тўғрисида 1948 йил 18 февралда тузилган Шартнома ҳар иккала давлатнинг манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда ва тўла тенг ҳуқуқлилик, давлат мустақиллигини ва суверенитетини ҳурматлаш принциплари асосида қилинаётган самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг мустаҳкам гарантиясидир. Венгрия Ҳукумати ССР Иттифоқи Ҳукуматининг Совет Иттифоқи билан бошқа социалистик давлатлар ўртасида дўстликни ва ҳамкорликни ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш асослари тўғрисида 1956 йил 30 октябрда эълон қилган Декларациясига ўзининг тўла қўшилганлигини билдиради.

I.

Ҳар иккала томон шуни қайд қилдиларки, иккита жаҳон социал системасининг—социалистик система билан капиталистик системанинг яшаб турганлиги ҳозирги халқаро аҳволнинг характерли белгисидир. Социалистик лагерь мамлакатлари ўзларининг ташқи сиёсатларида иккала системанинг тинч-тотув яшаши мумкин деган ленинча принципни оғишмай ўтказиб келмоқдалар. Бу ишда уларни ўз ташқи сиёсатини тинч-тотув яшашнинг ҳаммага маълум беш принципи асосида қураётган давлатлар кенг равишда қўллаб-қувватламоқдалар. Бу сиёсат социалистик мамлакатларда ҳам, капиталистик мамлакатларда ҳам халқларнинг манфаатларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда, чунки барча мамлакатларнинг социал-иқтисодий системаларида бўлган тафовутлардан қатъий назар, шу мамлакатларни ривожлантиришга ва уларнинг ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳамда умумий тинчликни таъминлашга қаратилган сиёсатдир.

Бироқ, империалистик давлатларнинг реакцион доиралари барча мамлакат халқларининг мана шу қонуний манфаатларини назар-писанд қилмай, мустаҳкам ва узоқ давом қиладиган тинчликни таъминлашга қаратилган таклифларни рад қилишгина қолмай, шу билан бирга халқаро вазиятни кескинлаштиришга, ҳарбий васвасани авж олдиришга, давлатлар ўртасидаги муносабатларда ишончсизлик туғдиришга зўр бериб уринмоқдалар.

Тинчликсевар халқларнинг катта ғайрати натижасида халқаро вазият юмшаб қолганидан ваҳимага тушган империалистик реакция кучлари кейинги вақтларда дунёни аввалги «совуқ муносабатлар уруши» ҳолатига қайтаришга уриниб кўрдилар ва шу мақсад билан Венгрияда қонли воқиаларни бошлаб юбориб, Венгрияда подпольеда сақланиб қолган ички контрреволюциядан ҳам, шунингдек ғарбдаги баъзи мамлакатларда америка пулига яшаётган реакцион эмигрантлардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар.

Венгрия ва Совет Иттифоқи ҳукуматлари Венгриядаги контрреволюцион воқиаларнинг характерига баҳо беришда, шунингдек бу воқиалар социалистик давлатларнинг хавфсизлигига, умуман Европадаги тинчлик ишига ҳам бевосита таҳдид солган эди, деб баҳо беришда якдилдирлар.

Ҳар иккала ҳукумат шу фикрга келдиларки, Венгриядаги аввалги раҳбарлик томонидан йўл қўйилган хатоларни мумкин қадар тезроқ тузатиш йўлидаги меҳнаткашларнинг интилишларидан Венгриядаги контрреволюцион кучлар империалистик давлатларнинг ҳукмрон доираларидан актив ёрдам олиб турган ҳолда ўзларининг қора мақсадлари йўлида фойдаландилар.

Венгрия ҳукуматининг ихтиёрида бўлган ишончли маълумот ва ҳужжатлар шуни кўрсатиб турибдики, Венгрия контрреволюцион кучларининг 1956 йил октябрь-ноябрь ойларидаги қуролли хуружига тайёргарлик ғарб давлатларидаги агрессив доираларнинг бевосита раҳбарлиги ва актив иштироки билан амалга оширилган.

Венгриядаги контрреволюцион воқиалар вақтида шу нарса равшан бўлиб қолдики, халқаро ва ички реакция олдиндан пухта тайёрланган ва ҳарбий жиҳатдан ташкил этилган ҳаракатлар қилиш йўли билан халқ ҳокимиятини тугатмоқчи бўлган, Венгрияда илгариги эксплуататор, помещчик, капиталистик тузумни тикламоқчи бўлган ва венгер халқини яна қул қилиб олмоқчи бўлган. Буни контрреволюцион группаларнинг бутун фаолияти: уларнинг стратегия жиҳатидан муҳим объектларга бамаслаҳат қуролли ҳужум қилганликлари, реакцион партиялар ва раҳбарларнинг дарҳол олдинги қаторга чиқиб олганлиги, фашистларнинг шафқатсиз террори, Варшава шартномаси асосида Венгрияда турган совет қўшинларини дарҳол олиб чиқиб кетилсин деган талабларнинг қўйилиши, агрессив империалистик доираларнинг бевосита агенти бўлган Миндсентининг исёнга даъват қилиб чиқарган маълум хитобномаси яққол кўрсатиб турибди.

Венгрияда контрреволюцион исённинг бошланиб кетиши учун жавобгарликнинг оғирлиги хоин Имре Надь ва унинг группаси устига тушади, чунки улар демогогик тарзда социалистик шиорларни қўлланиб ва венгер меҳнаткаш халқининг фидокорона меҳнати натижасида эришилган социалистик ғалабаларни зўр бериб камситиб, ўтмишнинг хатоларига қарши курашиш баҳонаси остида пролетариат диктатурасига, яъни Венгриядаги янги халқ демократик ижтимоий тузуми асосларининг асосига ҳужум бошладилар.

Халқ ҳокимиятини, мамлакатнинг мустақиллигини ва унинг тинч тараққиётини ҳимоя қилишнинг бирдан-бир йўли Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати тузишдан иборат бўлди, бу ҳукумат мамлакатдаги революцион ватанпарвар кучларни жипслаштириб, уларни контрреволюцияга қарши курашишга олиб борди ва Совет Иттифоқининг қардошларча берган ёрдами билан венгер халқининг қонуний давлат ҳокимиятини ва унинг социалистик ғалабаларини сақлаб қолди деб Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумати билдирган фикрга Совет Иттифоқи ҳукумати ҳам қўшилади.

Совет Иттифоқи ҳукумати венгер ишчилари, деҳқонлари, интеллигенциянинг энг яхши намояндалари контрреволюцияга қарши курашда, қуролли жанглар тамом бўлганидан кейин эса—иқтисодий ва сиёсий аҳволни мустаҳкамлашда, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий турмушини нормаллаштиришда ўзларининг қаҳрамонона зўр беришлари билан эришган муваффақиятларига юксак баҳо беради.

Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати шуни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайдики, Венгрияни фашистлар давлатига айлантириш хавфи ва бунинг натижасида венгер халқи учун, Венгрия давлатининг тақдири учун, шунингдек Европадаги тинчлик ва хавфсизлик иши учун туғиладиган оғир оқибатларнинг ҳаммаси яққол бўлиб турган 1956 йилнинг октябрь-ноябрида Совет Иттифоқи берган қардошлик ёрдами венгер халқининг ҳалокатдан қутилиб қолишига ва ўзини эзиб келган мустабидларга қарши кўп асрлар курашиш натижасида қўлга киритилган эркинлик ва мустақилликни сақлаб қолишига имкон берди. Фашист исёнчиларни тор-мор келтиришда Совет Армияси қисмларининг қатнашганлиги пролетар бирдамлигининг олий намунаси бўлди. Совет халқи венгер халқининг ҳаётий манфаатлари учун деб, тинчлик ва социализмнинг умумий иши учун деб қурбонлар берди, бу билан венгер халқининг минг-минглаб энг яхши фарзандларини фашистларнинг қонли қиргинидан сақлаб қолди. Варшава шартномаси асосида Венгрияда турган ва венгер ҳукуматининг илтимосига мувофиқ иш қилган совет қарбий қисмларининг ҳаракатлари натижасида Европанинг марказида фашистлар агрессияси ўчогининг ва янги қиргин урушнинг вужудга келишидан иборат реал хавф тугатилди.

Ҳозирги вақтда баъзи бировлар халқаро реакцияга эргашиб, Совет Армиясининг халоскорлик миссиясини қоралашга интилиб, контрреволюцион исённи бостиришга Совет Армиясининг қатнашганлигини бузиб талқин қилишга уринмоқдалар. Венгрия ҳукумати шу нарсани қатъий айтадики, бу хилдаги уринишлар амалда империалистик реакцияга ва Венгриядаги ички контрреволюцияга кўмаклашишнинг ўзгинасидир. Бу уринишлар ўзларини халқ демократик Венгриянинг дўстлари деб кўрсатаётган, лекин ватанпарвар виждонли венгерлардан биттаси ҳам дўст деб билмайдиган кишиларнинг пролетар интернационализми улуғ принципларини таҳқир қилишларидир. Маълумки, Венгрия Совет Республикасининг 1919 йилда қулашига асосий сабабларидан бири унинг ташқи жиҳатдан яккаланиб қолиши бўлган эди. Ўша вақтда ёш Россия Совет Республикасининг ўзи ҳамма томондан ёпирилиб келаётган душманлардан ўзини ҳимоя қилиб курашмоқда эди ва венгер пролетариатига ўз ғалабаларини ички ва ташқи контрреволюция кучларидан ҳимоя қилишда зарур ёрдам бера олмаган эди. Венгрия Совет Республикаси қулаганидан кейин мамлакатда бошланган қонли террор венгер халқининг энг яхши фарзандларидан ўн минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритди.

Эндиликда аҳвол социализм кучлари фойдасига тубдан ўзгарди. Халқ демократик Венгриянинг кучи ҳам шундаки, унинг Совет Иттифоқи халқлари билан, кўп миллионли социализм лагери билан қардошларча дўстлиги асло бузилмайдиган дўстликдир.

Венгриядаги контрреволюцион воқиалар шуни яна бир марта кўрсатдики, ҳозирги шароитда социалистик давлатларнинг мустаҳкам бирлигигина социализмни муваффақиятли қуришни ва шу мамлакатларнинг миллий мустақиллигини ҳимоя қилишни таъминлай олади. Контрреволюция томонидан венгер халқига етказилган шикастни тугатишда социалистик мамлакатлар халқларининг венгер халқига кўрсатган катта маънавий ёрдами, шунингдек моддий ёрдами ҳам социалистик давлатлар ўртасидаги чин дўстона ҳамкорликнинг ва бирдамликнинг намунаси бўлди.

Совет кишилари Венгрия меҳнаткашларига мамлакатда нормал ҳаётни тезроқ тиклаб олиш ишида ёрдам бераётганларида венгер халқи социализм қуриш йўлида пайдо бўлган қийинчиликларни капитализм лагеридаги душманлар ҳар қанча ҳийла-найранг ишлатишларига қарамай енгаоладилар, деб ишонадилар.

Венгриядаги воқиалар шуни ўргатадики, социалистик мамлакатларнинг халқлари революцион ҳушёрликни жуда қаттиқ сақлашлари ва социализм қуришдаги ўзларининг улуғ ғалабаларини ички ҳамда ташқи душманлардан қатъий ҳимоя қила билишлари лозим.

Ҳар иккала Ҳукумат шуни айтадиларки, Венгриядаги 1956 йилнинг октябрь-ноябрида бўлган воқиалар венгер халқининг душмани киму, чин дўсти ким эканлигини гоят равшан қилиб кўрсатди.

Венгриядаги контрреволюцион исённи тайёрлашда ва ўтказишда актив қатнашган АҚШ ҳукмрон доиралари, шунингдек Ғарбий Германия, Англия, Франция ва бошқа бир қанча капиталистик давлатларнинг муайян доиралари ниҳоят даражада душманлик позициясига ўтиб олдиларки, зотан шундай бўлади деб ҳам кутилган эди.

Ғарбга қочиб ўтган ва халқ ҳокимиятини ағдариш мақсадида бирлашган венгер реакционерлари ва реакцион группалари АҚШ расмий доираларининг ҳомилиги ва мададидан фойдаланиб келганликларини ва ҳозир ҳам фойдалана ётганликларини эътиборга олинса, Венгриянинг қонуний давлат тузумини емиришни мақсад қилиб олган контрреволюциянинг хуружи учун Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари жавобгар эканлиги тагин ҳам очиқ ва равшан бўлиб қолади. Ҳаммага маълумки, Америка ҳарбий маъмурлари Венгрия Халқ Республикасига қарши курашмоқ учун Ғарбий Германияда ва бошқа жойларда қуролли фашист группаларини кўп йиллардан бери ташкил қилмоқдалар ва пул билан таъминлаб келмоқдалар. Бу қуролли группалар октябрь-ноябрь кунларида Венгрияга қарши бош кўтариб чиқдилар, уларнинг бир қисми контрреволюцион қаракатларга бевосита қўшилиб, қўлларига қурол олган ҳолда халқ ҳокимиятига қарши курашдилар. Американинг Будапештдаги миссиясида ишловчи айрим дипломатларнинг фаолияти ва ҳаттиҳаракати ҳам венгер контрреволюциясини тайёрлаш ва қўллаб-қувватлашда Америка Қўшма Штатларининг алоҳида роль ўйнаганлигини кўрсатиб турибди.

Венгриядаги меҳнаткашлар ҳокимиятини ағдариш йўлидаги уринишларда ғарб давлатлари империалистик доираларининг бевосита ва бавосита қатнашганлиги бутун социализм лагерига қарши қаратилган контрреволюцион ҳаракатдир. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси ҳукуматлари ўзларининг бундан бўён ҳам капиталистик мамлакатлар билан тинч ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини билдирадилар. Шу билан бир вақтда улар ўзларининг ички ишларига аралашиш ва ўз мамлакатларидаги халқларнинг тинч меҳнатига халақит бериш йўлидаги ҳар қандай уриниш жуда қатъий зарбага учратилади, деб қатъий равишда билдирадилар.

Австрия раҳбар доираларининг позицияси эътиборни жалб қилади, улар қўшни Венгрияга нисбатан очиқдан-очиқ душманлик фаолияти учун ўз мамлакатларининг территориясидан фойдаланишга ижозат бердилар. Венгрия Халқ Республикаси ҳукумати Австрия республикаси билан ўзининг муносабатларида ҳар иккала мамлакат халқларининг ҳаётий манфаатларига мос бўлиб тушаётган дўстона алоқаларни ҳар томонлама ривожлантиришни ва мустаҳкамлашни истаб, ҳамиша ҳаракат қилиб келди ва ҳаракат қилмоқда. Бироқ Венгрияда контрреволюцион тўнтариш ясаш мақсадида қилинган уринишлар шароитида Австриянинг расмий доиралари хортичи-фашист шайкаларни Венгрияга юбориш учун ҳамда контрреволюцион исёнчиларга қурол юбориш учун Австрия территориясидан фойдаланишга қарши бўлиб чиқиш у ёқда турсин, аксинча, реакцион унсурларнинг бу ҳаракатларига индамай қараб турдилар. Австрия ҳукуматининг бу позицияси Австриянинг ўзи эълон қилган бетарафлик позициясига тўғри келади деб бўлмайди, ва бу позиция Австрия-Венгрия муносабатларига зарар етказмаслиги мумкин эмас. Совет томони Венгрия ҳукуматининг бу позициясига қўшилади.

Фактлар шуни кўрсатадики, Венгриядаги қонли воқиалар учун оғир жавобгар бўлган ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари Венгриянинг ва социалистик лагердаги бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга қаратилган ўз фаолиятларидан воз кечишни ҳозирги вақтда ҳам истамаётирлар. Буни, жумладан, Венгрия масаласи деб аталган масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳокамасига қўйилганлиги кўрсатиб турибди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ҳозирги вақтда ғарбдаги бир қанча мамлакатларда турли ташкилотлар, шу жумладан расмий ҳукумат органлари ҳам венгриялик қочоқларнинг ватанга қайтишига ҳар хил йўллар билан тўсқинлик қилмоқдалар, бу қочоқларнинг катта қисми ғарб пропагандаси томонидан йўлдан оздирилиб, унинг ёлғон ваъдаларига учган кишилардир. Ҳозирги вақтда бу алданган кишиларни, шу жумладан ўз ота-оналаридан ажратилган, тоқат қилиб бўлмайдиган оғир моддий турмуш шароитида турган болаларни ҳам, улар ўзлари истамаганлари ҳолда, ватандан узоқда сақлаб турибдилар. Қочоқларнинг ноилож аҳволда қолганлигидан фойдаланиб, уларни Венгриядаги халқ демократик тузумга қарши курашмоқ учун тузилаётган янги реакцион эмигрант ташкилотларга ва группаларга аъзо бўлиб киришга мажбур қилмоқдалар.

Ҳар иккала ҳукумат бу ҳаракатларни қатъиян қоралаб, бу ҳаракатларга империалистик давлатлардаги, аввало АҚШдаги агрессив доираларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак обрўйи паноҳида бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларидан бошқа нарса эмас, деб баҳо бермасликлари мумкин эмас. АҚШнинг ва бошқа баъзи давлатларнинг раҳбар доиралари шу таҳлитда ҳаракат қилиш билан ўзларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига биноан ғаллонали равишда ўзлари қабул қилган принципларни, яъни бошқа мамлакатларнинг ички ишларига давлатларнинг аралашмаслиги ҳақидаги принципларни қўпол равишда поймол қилмоқдалар.

Бироқ, Венгриядаги контрреволюцион исён барбод бўлганидек бу уринишларнинг барбод бўлиши муқаррардир.

Ҳар иккала ҳукумат шуни мамнуният билан қайд қиладиларки, турли мамлакатлардаги интеллигенциянинг намояндалари бўлган ва Венгриядаги воқиаларга ўз вақтида тўғри баҳо бера олмаган кишилар эндиликда Венгрия территориясида, Европанинг марказида фашист давлати тикланиб қолган тақдирда бу фашист давлатининг тинчлик учун нақадар хавфли бўлиши мумкинлигини тобора равшанроқ тушуна бошладилар. Ҳар иккала ҳукумат ишонч билдириб айтадиларки, Венгриядаги воқиаларга объектив баҳо бериш шу воқиаларнинг мазмунини ва моҳиятини онгли равишда бузиб кўрсатаётган буржуа пропагандасининг таъсиридан ҳали ҳам қутила олмаган интеллигенция намояндаларининг ҳам вақт-соати билан кўзини очиб қўяди.

II.

Музокаралар вақтида Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатларга доир масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Томонлар шуни қайд қилдиларки, совет ва венгер халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларнинг чуқур томирлари бор. Улуғ Октябрь Социалистик революцияси мазлум венгер халқига ҳам социализм йўлини кўрсатиб берди. Венгер халқининг энг яхши фарзандлари—Улуғ Октябрь Социалистик революциясида қатнашганлиги—70-80 мингта яқин венгер ҳарбий асирлари социалистик революция ғалабаси учун курашганликлари билан венгер халқи фахрланади.

1919 йилдаги Венгрия Совет Республикасининг ишчи-деҳқон ҳокимияти совет халқининг содиқ иттифоқчиси бўлди. Венгриядаги хортичилар режими вақтида фашистлар томонидан Советларга қарши олиб борилган пропаганда венгер меҳнаткашларининг энг яхши намоёндаларида ишчи ва деҳқонларнинг жаҳонда биринчи давлати билан бўлган бирдамлик хиссини йўқота олмади. Совет Армияси венгер халқини фашистлар асоратидан озод қилганидан кейин бу хислар ҳар иккала халқ ўртасидаги чин дўстликка айланди. Венгрия ишчи ва деҳқонлари Совет Армиясининг озодлик учун олиб борган кураши натижасидагина заводларни ва ерни ўз мулклари қилиб олганлигини ҳамда капиталистлар ва помещчикларнинг эксплуатациясидан қутилишга муваффақ бўлганликларини яхши биладилар.

Ҳар иккала томон якдиллик билан шуни қайд қиладиларки, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар тўла тенг ҳуқуқлилик ва бегараз қардошларча дўстлик асосига қурилмоқда. Бу тенг ҳуқуқлилик империалистик давлатлар билан кичик мамлакатлар ўртасида мавжуд бўлган ва ҳақиқатда кичик давлатларнинг халқларини эксплуатация қилишдан, шу мамлакатларнинг бойликларини империалистик монополияларнинг талашидан иборат бўлган қалбаки «тенг ҳуқуқлилик»дан бутунлай фарқ қилади.

Мана шундай буржуа—миллатчилик «тенг ҳуқуқлигидан» бутунлай фарқ қилган Совет-Венгрия тенг ҳуқуқлиги муносабатларига ҳар иккала мамлакат меҳнаткашларининг бахт-саодати тўғрисида пролетар интернационализми руҳи билан суғорилган ҳар томонлама ғамхўрлик асос қилиб олинган. Совет Иттифоқи Венгрия меҳнаткашларининг манфаатларини кўзлаб, бинобарин, умуман социалистик лагерь манфаатларини ҳам кўзлаб венгер халқи контрреволюцион исённинг оқибатларини мумкин қадар тезроқ тугатсин ва янада моддий ҳамда маданий юксалиш йўлидан, социализм қуришда янги муваффақиятларга эришиш йўлидан мумкин қадар тезроқ борсин деб Венгрияга ҳар томонлама иқтисодий ва бошқа хил ёрдамларни бериб турибди.

Бу ёрдам қандайдир ортиб қолган товарларни ўтказиш мақсадида қилинаётган ёрдам эмас, капиталистик дунёда мана шундай мақсад билангина «ёрдам кўрсатилади». Совет халқи социализм қураётган ҳамма халқларнинг умумий манфаатларини кўзлаб, коммунизм улуғ иши манфаатларини кўзлаб ўз дўстларига ёрдам кўрсатади. Совет Иттифоқи пролетар интернационализминнинг улуғ принципларига амал қилган ҳолда социалистик лагерь мамлакатлари билан, шу жумладан қардош Венгрия Халқ Республикаси билан ҳам ўз муносабатларини шу принциплар асосига қуриб келди ва қурмоқда.

Музокаралар вақтида Совет-Венгрия иқтисодий муносабатларига доир масалалар ҳар томонлама кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Шу нарса қайд қилиндики, ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик юқорида баён қилиб ўтилган тенглик, ўзаро манфаатдорлик ва ўзаро ёрдамлашиш принциплари асосида ривожланиб бормоқда. Бу ҳамкорлик Венгрия халқ хўжалигини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди ва Венгриянинг империалистик давлатлардан мустақил бўлиб олишига имконият берди.

Ҳукумат делегациялари шуни мамнуният билан қайд қилдиларки, СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги савдо алоқалари ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисидаги йиллик ва шунингдек узоқ муддатли битимлар асосида муваффақиятли равишда ривожланиб борди. Совет Иттифоқининг Венгрия билан товар обороти кейинги 8 йил мобайнида 3,5 баравардан зиёдроқ кўпайди.

Ўзида етарлик ҳомашё ресурслари бўлмаган Венгрия Халқ Республикаси ҳомашёга, жумладан темир рудаси, чўян, пахта, нефть, қўрғошин, никелга бўлган, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга керакли ҳомашёга, бинокорликка керакли ёғочлар, тахталар ва ёнғоқ ишлаб чиқаришга керакли ҳомашёни импорт қилиш йўли билан қондирмоқда. 1956 йилда Венгриянинг Совет Иттифоқидан импорт қилган ҳамма молларининг 85 процента ҳомашёлар, материаллар ва ярим фабрикатлардан иборат бўлди. Венгрия СССРдан халқ хўжалиги учун керакли бошқа бир қанча муҳим товарларни ҳам, шу жумладан ўзига керакли саноат ускуналарини ҳам олмоқда. Совет Иттифоқи ҳам Венгрия саноатининг экспорт қилаётган маҳсулоти учун қулай ва барқарор бозордир. 1956 йилда Венгриянинг СССРга экспорт қилган товарларидан 72 процента саноат товарлари, асосан машинасозлик маҳсулотларидан иборат бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси Венгрия халқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим шартдир.

Ҳукумат делегациялари шуни қайд қилдиларки, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги савдо-сотиқ илгаригидек ҳозирги вақтда ҳам жаҳон нархлари базасида олиб борилмоқда.

Венгрия Халқ Республикасининг иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилишни осонлаштириш мақсадида Совет Иттифоқи ҳукумати Венгрия Халқ Республикаси Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг Совет Иттифоқидан олинаётган ҳомашёни, ярим фабрикатларни, ускуналарни, шунингдек, Венгрия халқ Республикасининг халқ хўжалиги учун зарур бошқа товарларни ва аҳолининг эҳтиёжини қондириш учун зарур бўладиган товарларни 1957 йилда анча кўпайтириш тўғрисидаги илтимосини қондиришга рози бўлди. Бу йил Совет Иттифоқидан Венгрияга ҳаммаси бўлиб, 1.010 миллион сўмлик товар, шу жумладан 450 минг тонна бугдой, 200 минг тонна ем бўладиган дон, 1,2 миллион тонна темир руда, 150 минг тонна пўлат-прокат, 110 минг тонна чўян, 500 минг тонна кокс, 1,2 миллион тонна кўмир, 900 минг тонна нефть, 400 минг кубометр ёғоч-тахта, 8 минг тонна мис, 8 минг тонна қўйма алюминий етказиб беради; бундан ташқари мазут, қўрғошин, қалайи, никель, кенг истеъмол моллари ва бошқа товарлар етказиб бериш ҳам мўлжалланади. Шундан 250 минг тонна бугдой, 150 минг тонна ем бўладиган дон ва бошқа товарларнинг анчагина қисми 1957 йилнинг биринчи ярмида етказиб берилади.

Ҳар иккала мамлакат экономикасини планли ривожлантирмоқ учун узоқ муддатли битимларнинг ижобий аҳамияти борлигини ҳисобга олиб, Томонлар ўзларининг компитентли органларига тегишли таклифларни ишлаб чиқишни топшириш ва 1958-1960 йилларда ўзаро товарлар етказиб бериш тўғрисида мана шундай битим тузиш ҳақида 1957 йилда музокаралар олиб бориш керак деган фикрга келдилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Л. М. Каганович номидаги Биринчи Давлат подшипник заводи

Завод директори ўртоқ А. А. ГРОМОВГА
КПСС партия комитетининг секретари ўртоқ П. О. КВАЧЕВГА
Завод касаба союз комитетининг раиси ўртоқ П. В. ФРОЛОВГА
ВЛКСМ комитетининг секретари ўртоқ Д. Д. СОНКИНГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Л. М. Каганович номидаги Биринчи Давлат подшипник заводининг ишчиларини, инженер-техник ходимларчи ва хизматчиларини заводнинг йигирма беш йиллиги кунида, завод коллективининг подшипник саноатини ва Ватан машинасозлигини ривожлантиришда эришган жуда катта муваффақиятлари билан табриклайдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети ўз ишида юксак техника-иқтисодий кўрсаткичларга эришган Биринчи Давлат подшипник заводи коллективи олтинчи беш йилликда техникани ва ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини юксалтириш ҳамда халқ хўжалигини юқори сифатли подшипниклар билан таъминлаш соҳасида ўз олдида турган вазифаларни бундан буён ҳам шараф билан бажаради, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ **ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматларининг ДЕКЛАРАЦИЯСИ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Венгриянинг экономикасини соғломлаштириб ва янада ривожлантириб, фақат мамлакатнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларигина қондириб қолмасдан, шу билан бирга ташқи товар оборотн бўйича қилинадиган тўловлар балансини ҳам таъминлай оладиган ва аҳолининг турмуш даражасини ошираоладиган қилиб Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматига ёрдам кўрсатмоқ учун Совет ҳукумати Венгрияга бу йилдан бошлаб фойдаланиладиган 750 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит берди, бунинг 200 миллион сўми эркин валюта тарақасида берилади. Бу кредит 1961 йилдан бошлаб 10 йил ичида, Венгрия одатда экспорт қилаётган товарларни етказиб бериш тарақасида узиш шарти билан йилига 2 процентли қилиниб, имтиёзли шартлар билан берилди.

Бу йил Венгрияга СССРдан 85 миллион сўмлик товар етказиб берилади ва илгари берилган кредитлар ҳисобига 40 миллион сўмлик эркин валюта тоширилади.

Шу тарақа Венгрия Совет Иттифоқидан 1957 йилда кредит ҳисобига 875 миллион сўмлик товар ва эркин валюта олади.

Совет Иттифоқидан етказиб берилаётган ва мазкур кредит билан қоплаиладиган товарлар фарқини тўламоқ учун Венгрия Халқ Республикаси 1957 йилда СССРга ўз товарларини, шу жумладан кемалар, сузадиган ва порт кранлари, пассажир вагонлари, металл қирқадиган станоклар, контроль-ўлчов асбоблари, музхона установкалари, тикув машиналари, мебель ва бошқа саноат товарлари, шунингдек Венгрия экспорт қиладиган одатдаги товарлардан бўлган баъзи қишлоқ хўжалик товарлари етказиб беради.

Совет Ҳукумати Венгрияга илгари берилган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган 150 миллион сўмликдан кўпроқ қарзни узишни ҳам узоқ муддатга чўзди ва Венгрия Ҳукуматини ўз вақтида Венгрияга ўтказилган илгариги немис мулки учун тўланиши лозим бўлган ва собиқ аралаш Совет-Венгрия жамиятларида қатнашганлиги учун Совет Иттифоқига тегишли ҳиссадан иборат бўлган Ўмиллиард форинт қарздан озод қилди.

Яна шу мақсад билан Совет Иттифоқи Ҳукумати Венгрия Халқ Республикаси Ҳукуматининг—истаклариии бажо келтириб, Венгрияда баъзи саноат корхоналарини ва транспортни қуришга ва реконструкция қилишда иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш масаласини ҳайриҳоҳлик билан кўриб чиқишга розилик билдирди. Шу муносабат билан Томонлар ўзларининг компетентли органларига 1957 йилда музокаралар олиб боришни ва тегишли таклифларни тайёрлашни топшардилар.

Ҳар иккала ҳукумат делегациялари ҳар иккала мамлакат ўртасидаги молиявий ҳисоб-китобга тааллуқли бошқа ҳамма масалаларни кўриб чиқдилар ва ўзаро манфаатли асосда ҳал қилдилар. Томонлар, жумладан, савдога даҳли бўлмаган тўловлар бўйича ҳисоб-китоб қилишнинг амалдаги тартиби ҳар иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатларини таъминлаётганлигини қайд қилдилар.

Томонлар шуни қайд қилдиларки, ҳар иккала мамлакатнинг халқ хўжалиги учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган илмий-техника ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўзаро ва пул тўламай айри бошлаш социалистик давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг энг муҳим формаларидан биридир. Томонлар Совет Иттифоқи билан Венгрия ўртасида илмий-техника ҳамкорлигини янада кенгайтиришга ҳар томонлама кўмаклашишни зарур деб топдилар.

Совет Иттифоқи ва Венгрия Ҳукуматлари атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишга катта аҳамият бериб, бу соҳада бундан буён тағин ҳам кенг миқёсда ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикрлашиб олдилар. Совет Иттифоқи ва Венгрия Халқ Республикаси Ядро тадқиқотлари бирлашган институтининг ишида бундан буён ҳам қатнашадилар. Совет Иттифоқи уран чиқадиган жойларни геология нуқтаи назаридан текшириш ўтказишда Венгрияга иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатади, шунингдек ускуналар, аппаратлар ва асбоблар етказиб беради.

Музокаралар вақтида Совет Иттифоқи бундай ёрдамни бундан буён ҳам кўрсатади деб ҳаҳ лашилди; бундан ташқари Совет Иттифоқи Венгрия Халқ Республикасига атом электростанциялари қуришда ва бу электростанцияларни парчалануви зарур материаллар билан таъминлашда ёрдам кўрсатади. Томонлар бамаслаҳат шу фикрга келдиларки, Венгрия уран рудаси қазиб чиқаришни ташкил қилганидан кейин бу руданинг Венгриянинг халқ хўжалиги учун истеъмол қилинмайдиган қисмини ўзаро манфаатли одилона нархлар билан Совет Иттифоқига етказиб бериб туради.

Социалистик мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни ва ўзаро ёрдамлашишни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш шу мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишига ва шу мамлакатлардаги халқларнинг турмуш даражасини оширишга ёрдам бераётганлигини қайд қилиб, ҳар иккала Ҳукумат Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида, шунингдек бошқа социалистик мамлакатлар билан яқин иқтисодий ҳамкорликни бундан буён ҳам ҳар томонлама ривожлантиришга якдиллик билан қарор қилдилар.

Ҳар икки делегация Совет-Венгрия дўстлигини янада мустаҳкамлаш ишида муҳим роль ўйнаётган ва ҳар иккала мамлакат халқлари маданиятини ўзаро бойитишга ёрдам бераётган маданий ҳамкорликка катта аҳамият берадилар. Венгер контрреволюцияси венгер халқининг назарида совет маданиятини обрўсизлантирмоқ учун кўп ҳаракат қилган эди.

Халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб Томонлар Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида илмий ва маданий ҳамкорлик қилиш тўғрисида 1956 йил 28 июнда имзоланган Битимга мувофиқ илмий ва маданий ҳамкорликни янада ҳар томонлама ривожлантириш ҳақида якдиллик билан бир фикрга келдилар.

Ҳар иккала делегация иккала мамлакат ўртасидаги муносабатлар масаласини муҳокама қилиб, гражданлик масалаларини бартараф қиладиган битим тузиш тўғрисида, гражданлик ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида битим тузиш тўғрисида, мулк, пенсия ва мерос масалаларига доир битим тузиш тўғрисида, шунингдек Томонларнинг келишувига биноан бошқа битимларни ҳам тузиш тўғрисида аҳдлашиб олдилар.

III.

Музокаралар вақтида ҳар иккала Томоннинг Варшава шартномаси ташкилотида қатнашуви билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

Иккала ҳукумат, ғарб давлатлари зўр бериб қуролланишни давом эттириб, қуролсизланиш тўғрисидаги, ҳарбий группаларни тугатиш ва Европада коллектив хавфсизлик системасини барпо қилиш тўғрисидаги таклифларни мутлақ рад қилиб келар экан лар, социалистик лагерь мамлакатлари ўз мамлакатларининг меҳнаткашлари эришган ғалабаларни ҳимоя қилишни таъминламоқ учун, Европада ва бутун дунёда тинчликни ва хавфсизликни сақламоқ учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўришлари лозим, деб ҳисоблайдилар. Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати империалистик давлатлардаги агрессив доираларнинг ҳар қандай кирдикорларидан ҳимоя қиладиган мустаҳкам ташкилот ролини ўйнаши лозим бўлган Варшава шартномасини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашга ўзларининг қаттиқ бел боғлаганликларини билдирадилар.

Ҳозирги вақтда контрреволюцион пропаганда Венгрия территориясида совет қўшинларининг турганлигидан Венгрияда милитаризм кайфиятларини авжга чиқариш учун, майда буржуа унсурларни ва венгер меҳнаткашларининг энг қолоқ қисмини Совет Иттифоқига қарши қилиб қўйиш учун фойдаланишга уринмоқда. Венгрия ҳукумати шуни билдирадики, пролетариатнинг ва Халқ Венгриясининг ишини қадрловчи кишиларнинг ҳаммаси ҳозирги халқаро вазиятда ўзларининг социалистик ғалабаларининг мустаҳкам равишда муҳофаза қилинишини таъминлаш социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари учун энг муҳим иш эканлигини яхши тушунадилар. Венгрия территориясида Совет Армияси қисмларининг турганлиги мамлакатни империалистларнинг агрессив кирдикорларидан муҳофаза қилишда ҳал қилувчи фактордирки, буни ўтган йил Венгрияда бўлган октябрь-ноябрь кунлари исбот қилди.

Ҳар иккала ҳукумат шуни билдирадиларки, Варшава шартномасида қатнашаётган мамлакатлар қуролли кучларининг жойлаштирилиши масаласи империалистик доиралар ва уларнинг ҳизматида турган миллатчи унсурлар хоҳиши билан ҳал қилинмасдан, балки меҳнаткаш венгер халқининг ва социалистик лагердаги ҳамма мамлакат халқларининг манфаатларини кўзлаб, шу мамлакатлар ўртасидаги мавжуд шартномалар асосида, шу мамлакатлар хавфсизлигининг ҳамда шу мамлакатлар халқларининг тинч меҳнати учун шароит туғдириш манфаатларини кўзлаб ҳал қилинади.

Ҳар иккала Ҳукумат шунга асосланиб иш кўрмоқдаларки, Варшава шартномасига мувофиқ совет қўшинларининг Венгрияда вақтинча туришини агрессив Шимолий Атлантик блок (НАТО) мавжуд бўлиб турган, Ғарбий Германия қайта ҳарбийлаштирилаётган ва Ғарбий Германияда реваншчи кучлар тобора активлашаётган, АҚШ ва Шимолий Атлантик блокидаги бошқа мамлакатлар ўзларининг жуда кўп қўшинларини ва базаларини социалистик мамлакатларнинг чегараларига яқин жойларда сақлаб туриб, шу мамлакатларга қарши қўпорувчилик ишлари олиб бораётган ва қуролсизланиш ҳамда атом қуролини тақиқлаш тўғрисида битим тузишдан бош тортаётган ҳозирги шароитдаги халқаро аҳвол тақоза қилмоқда. Варшава шартномаси ташкилоти НАТОнинг агрессив фаолияти активлашганлиги ва шу блок қатнашчилари хатарли равишда зўр бериб қуроллаиаётганликлари сабабли тузилган нуқул мудофаа ташкилотидир.

Бамаслаҳат шундай битимга келиндики, ҳар иккала Томон Совет ҳарбий қисмларнинг Венгрия территориясида туриши ва, бу ҳарбий қисмларнинг сонини, составини ва дислокациясини белгилаш масалалари устида яқин келгусида музокаралар олиб борадилар ва Венгрия Халқ Республикаси территориясида вақтинча жойлаштирилган совет қўшинларининг ҳуқуқий статусини белгилаб берувчи битим тузадилар.

СССР Ҳукумати ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати ҳозирги халқаро аҳволнинг асосий проблемаларини муҳокама этиб, якдиллик билан шуни қайд қилдиларки, жаҳондаги мавжуд вазият социализм лагерининг тағин ҳам кўпроқ жипслашувини зарур иш қилиб қўймоқда. Бу лагерь мамлакатларидаги меҳнаткашлар эришган ғалабаларга ғарб давлатларидаги империалистик доиралар муттасил ҳамла қилмоқдалар, улар пролетариат ҳокимиятни ўз қўлига олган мамлакатларда капитализмни қайта тиклашга қаратилган агрессив планларни тузмоқдалар. Шу билан бирга империалистлар социализм лагеридан айрим мамлакатларни ажратиб олишга, бу лагерни парчалашга ва зиёнкорлиқ ишга шу тариқа ўзини капиталистик эксплуатациядан қутқариш учун курашаётган бутун дунё пролетариатининг манфаатларига зарба беришга уринмоқдалар.

Империалистик давлатларнинг агрессив доиралари эркин халқларга қарши ва, аввало социалистик давлатларнинг халқларига қарши янги уруш тайёрлаш планларини тузаётганликларини яшириаётирлар. Улар фақат шу мақсад билан агрессив ҳарбий блоклар тузмоқдалар, социалистик лагерь мамлакатларини ҳарбий базалар ва аэродромлар системаси билан қуршаб олмоқдалар, Европадаги НАТО қатнашчиларининг ва шарқи-жанубий Осиёдаги СЕАТО қатнашчиларининг бирлашган ҳарбий қўмондонлигини тузадилар. Ҳозирги вақтда Яқин ва Ўрта Шарқда бирлашган қўмондонлик тузиш ва бу райондаги мамлакатларни империалистик давлатларнинг агрессив планларига тортиш, шу мамлакатларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қул қилиб олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Венгриядаги халқ демократик тузумни қурол кучи билан ағдариш учун қилинган уринниш, Англия, Франция ва Исроилнинг Миср ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатини бостириш ҳамда Америка монополияларининг араб халқларини мустамлака асоратига солишларини таъминлаш плани бўлган машъум «Эйзенхауэр доктринаси»нинг илгари сурилганлиги—халқларнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун зўр бериб ва муттасил кураш олиб бориши зарурлигини қайта-қайта кўрсатиб турибди.

Совет Иттифоқи Ҳукумати Венгрия Ҳукуматининг Ғарбий Германия қайта ҳарбийлаштирилаётганлиги учун ҳоватир бўлаётганлигини тушунади ва унинг бу ҳоватирлигига қўшилади. Ҳар иккала Ҳукумат Ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилаётганлигини ва Ғарбий Германияда милитаризм ҳамда реваншчилик руҳининг тиклана ётганлигини қоралайдилар, чунки бу нарса Европада тинчлик иши учун жиддий хавф туғдирмоқда.

Ҳар иккала Ҳукумат шуни қайд қиладиларки, Ғарбий Германия агрессив Шимолий Атлантик блокига қўшиб олинганлиги ва унинг қуролли кучлари атом қуроли билан таъминланаётганлиги Германиянинг парчаланганлигини тугатиш ва Германиянинг бирлигини тиклаш йўлида янги жиддий тўсқинликлар туғдиради. Шу билан бирликда ҳар иккала Ҳукумат Германия Демократик Республикасининг ҳар иккала герман давлатини яқинлаштиришга қаратилган куч ва ғайратига юксак баҳо берадилар, чунки ҳар иккала герман давлатини яқинлаштирмасдан туриб, Германияни бирлаштириш вазифасини ҳал қилиб бўлмайди.

Франция, Бельгия, Голландия ҳамда НАТОда қатнашаётган бошқа мамлакатлардаги халқларнинг газабланишига қарамай, шунингдек фашистлар оккупациясининг бутун даҳшатларини бошидан кечирган Польша, Чехословакия ва Европадаги бошқа ҳамма давлатлар халқларининг ҳаққоний норозилик билдиришларига қарамай, ҳозирги вақтда НАТОдаги қўмондонлиқ мансабларига ҳозирги Европа мамлакатларида қонли ёвузликлар қилган гитлерчи генераллар тайинланмоқда. Тарих сабоқлари империалистик давлатларнинг ҳукмрон доираларига фойда бермаганга ўхшайди.

Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати Совет Ҳукуматининг куролсизланиш масаласи ҳақидаги 1956 йил 17 ноябрдаги баёнотига ўзининг тўла равишда қўшилганлигини билдиради. Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати шу баёнотда айтилган таклифларнинг амалга оширилиши халқаро кескинликни юмшата олади, зўр бериб қуролланишга ҳотима беради ва янги уруш хавфини йўқотади деб ҳисоблайди. Атом ва водород қуроллари ни тақиқлаш, давлатларнинг ва аввало буюк давлатларнинг қуролли кучларини ва қурол-яроғларини камайтириш, чет давлатларнинг территорияларидаги ҳарбий базаларни тугатиш, шунингдек Европада коллектив хавфсизлик системасини барпо қилиш тинчликни сақлашнинг ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашнинг самарали воситалари бўла олур эди.

* * *

Совет Иттифоқи Ҳукумати ва Венгрия Халқ Республикаси Ҳукумати қатъий ишонч билдириб айтадиларки, музокаралар вақтида бўлиб ўтган ҳар томонлама фикрлашув Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстликни ва ҳамкорликни ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатлари йўлида янада мустаҳкамлашни ва ривожлантиришни таъминлайди, социалистик мамлакатлар кучларининг янада кўпроқ уюштирилишини, шунингдек бутун дунёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашни таъминлайди.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
Н. А. БУЛГАНИН

Венгрия Революцион-Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг Раиси
Янош КАДАР

Москва, 1957 йил 28 март.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида

БАЁНОТ

1957 йил 27—28 мартда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси делегациялари ўртасида музокаралар олиб борилди.

Музокараларда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолари Н. А. Булганин, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. А. Суслов ўртоқлар ва КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат ўртоқ Д. Т. Шепилов қатнашдилар.

Музокараларда Венгрия социалистик ишчи партиясидан ВСИП Марказий Комитетининг Раиси ўртоқ Я. Кадар, ВСИП Ижроия комитетининг аъзолари А. Апро, Д. Каллаи ва К. Кишш ўртоқлар қатнашдилар.

КПСС ва ВСИП вакиллари халқаро аҳвол ва халқаро ишчилар ҳаракати масалаларини муҳокама қилдилар, КПСС ва ВСИПнинг ички ҳаёти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, ўз ўрталаридаги алоқаларни ва ҳамкорликни кенгайтириш тадбирлари тўғрисида бир қарорга келдилар ва ҳар иккала партияни қизиқтираётган бошқа масалалар юзасидан фикр олишдилар.

Музокаралар самимий дўстона вазиятда, тўла ҳамжиҳатлик руҳида ва муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ҳар иккала делегация фикрларининг бирлиги руҳида ўтди.

Музокараларнинг қатнашчилари шуни қайд қилдиларки, империалистик доиралар кейинги вақтларда халқаро муҳитни заҳарлаш, турли сиёсий системадаги давлатлар ўртасида бир мунча яхшиланган муносабатларга халақит бериш ва социалистик мамлакатларнинг бирлигига путур етказиш йўлидаги уринишларини кучайтирдилар. Венгрияда империалистлар томонидан уюштирилган контрреволюцион исён шу хилдаги энг жиддий провокацияларнинг бири бўлди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партиясининг вакиллари Венгриядаги 1956 йил октябрь—ноябрь воқиаларининг характерига Венгрияда халқ-демократик тузумни ағдаришга қаратилган, мамлакатда капиталист ва помешчиклар ҳокимиятини қайтадан тиклашга, социалистик лагернинг бирлигини бузишга, Венгрияни Европада уруш ўчоғига, империалистик давлатлар агрессив доираларининг қуроллиг айлантиришга қаратилган контрреволюцион исён деб баҳо беришда тамомила бир фикрда эканликларини қайд қилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши давомида Совет Армияси гитлерчи қўшинларни тор-мор келтириб, Венгрияни чет эл зулмидан озод қилди. Венгрия немис-габсбург монархияси томонидан тўрт аср эзилганидан кейин ва мамлакатнинг иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётини чет эл империалист кучлари манфаатларига бўйсундирган фашист-хортичилар режимининг йигирма беш йиллик ҳукмронлигидан кейин Венгрия биринчи марта миллий мустақилликка эга бўлди. Озод этилган венгер халқи халққа душман бўлган фашист режимини улоқтириб ташлади, капиталист ва помешчиклар ҳукмронлигини йўқ қилди, халқ-демократик тузумини барпо қилди ва социалистик қурилиш йўлига ўтиб, Венгрия меҳнаткашлар партияси раҳбарлиги остида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида катта муваффақиятларга эришди.

Халқ-демократик ҳокимияти ерни меҳнаткаш деҳқонларга топширди, фабрика ва заводларни умумхалқ мулкига айлантирди, меҳнаткашларни капиталистик эксплуатация даҳшатларидан халос қилди ва уларга кенг демократик ҳуқуқлар берди. Халқ ҳокимияти йилларида Венгрия саноатининг ишлаб чиқариш ҳажми уч баравардан зиёд кўпайди, қишлоқ хўжалигини социалистик негизда қайта қуриш йўлида жиддий қадам қўйилди, аҳолининг турмуш даражаси кўтарилди, шаклан миллий, мазмунан социалистик венгер маданияти гуллаб-яшнади.

Шу билан бирга, партиянинг собиқ раҳбарлари социалистик қурилиш практикасида жиддий хатоларга йўл қўйдилар. Бу хатолар партиянинг ўзида ҳам, партиясиз меҳнаткашлар ўртасида ҳам норозилик туғдирди. Венгер контрреволюцияси ана шу норозиликдан халққа қарши қаратилган ретаваторлик мақсадларида фойдаланиб, ана шу норозиликни барча воситалар билан халқ-демократик тузумига қарши қаратишга, ана шу тузумнинг раҳбар кучи бўлган ишчилар синфи партиясига путур етказишга интилдилар. Чет эллардаги империалистик кучлардан илҳом олган контрреволюцион фитначилар ҳаддиларидан ошиб пропагандани кучайтириб юборгдилар ва халқ-демократик тузумнинг шаънига доғ туширмоқчи, Венгрияда социалистик қурилишнинг натижаларига, Венгрияда ҳудди халқ-демократик тузуми йиллари Венгриянинг тарихида экономика ва маданиятни мислсиз юксалтириш йиллари бўлганлиги, Венгриядаги меҳнаткаш аҳолининг турмуши анча яхшиланган йиллар бўлганлиги ҳақидаги шубҳасиз фактга путур етказишга уриндилар.

Венгрия социалистик ишчи партияси делегацияси қуйидагиларни таъкидлади: фитначиларнинг ғиғвогарлик мақсадида контрреволюцион исён бошлай олганликларига, даставвал, шу нарса сабаб бўлдики, улар Венгрия меҳнаткашлар партияси сафларида Надь-Лошонцининг сотқин группасидан иборат иттифоқчиларга эга эдилар. Бу группа октябрь воқиаларидан кўп вақт илгариёқ социализмга содиқмиз, деган сохта гаплар билан ниқобланиб, контрреволюцион подполье билан бирга ҳаракат қилган эди.

Бу группа узоқ давр мобайнида Венгрия меҳнаткашлар партиясини ичкаридан қақшатиб келди, бу партия сафларининг бирлигига путур етказди, ревизионистик руҳидаги фикрларни ёйди ва миллатчилик кайфиятларини авж олдирди. Надь-Лошонци группаси партияга қарши қаратилган мақсадлари учун шу нарсадан фойдаландики, ўтмишда йўл қўйилган хатолар натижасида талайгина миқдорда беқарор, мансабпараст элементлар ва ҳатто, социализмга душман бўлган элементлар Венгрия меҳнаткашлар партияси сафларига суқилиб кирган эдилар, партия сафларининг ғоявий ва ташкилий жипслиги ҳамда партия интизоми заифлашиб қолган эди. Партия ишлари практикасида шовинистик ва миллатчилик тенденцияларига қарши курашга зарур эътибор берилмади, Хортининг реакцион режими 25 йил мобайнида фашист идеологиясини пропаганда қилганлиги, реваншизм идеясини халқ оммасининг онгига сингдириб келганлиги эътиборга олинмади. Имре Надь ва унинг шериклари ревизионистларнинг одатдаги йўлидан бордилар. Улар марксизм-ленинизм принципларидан чекиниб, контрреволюцион кучларга очиқдан-очиқ ёрдам бериш позициясига тез ўтиб олдилар ва реакциянинг хоҳишини бажарувчи бўлиб қолдилар.

ВСИП делегацияси яна шуни таъкидлади: ҳокимият тепасида турган ишчилар синфи марксчи-ленинчи партиясида фракцияларнинг бўлиши, Венгрия тажрибаси ҳам тасдиқлаб кўрсатганидек, шунга олиб келадики, партияга қарши курашувчи оппозиционча фракциялар контрреволюция билан қўшилиб кетадилар ва унинг қуролига айланадилар. КПСС делегацияси ВСИП делегациясининг позициясига тамомила қўшилганлигини билдирди.

1956 йил октябрь—ноябрь ойларида Венгрия ҳукуматига бошчилик қилган Имре Надьнинг ҳоинлик сиёсати контрреволюцияга йўл очиб берди ва фашизм террорининг авж олишига олиб келди. Венгер халқи эришган барча революцион ғалабаларнинг тугатилиши, Венгрияда қонли фашист режимининг ўрнатилиши ва унинг империалистик реакция қўлида қўғирчоқ айланишидан иборат реал хавф вужудга келган эди.

Мамлакатда вужудга келган оғир шароитда венгер халқининг соғлом қучлари уюшиб, Революцион ишчи-деҳқон ҳукуматини туза олдилар ва Венгрия социалистик ишчи партияси бошчилигида контрреволюцияга қарши қатъий кураш олиб бордилар.

Венгрия ҳукуматининг чақиригига мувофиқ ҳаракат қилган Совет Армияси контрреволюция кучларини тор-мор келтириш ва мамлакатда қонуний тартиб ўрнатишда венгер халқига ёрдам берди. Ўзининг интернационал бурчини бажарган Совет Армиясининг қардошларча ёрдами туфайли венгер халқи ўз мамлакатининг миллий мустақиллигини ва халқ-демократик тузумининг ғалабаларини сақлаб қолди. Бунинг натижасида Венгрияни Европа марказида империалистлар агрессияси ўчоғига ва ҳарбий плацдармга айлантириш хавфининг олди олинди, социалистик мамлакатлардаги барча халқларининг ҳаётий манфаатларига ва бутун дунёда тинчлик ишига таҳдид солган реал хавф йўқотилди. Ҳозирги шароитда Венгрияда бўлган совет қўшинлари халқаро реакциянинг агрессив планларига қарши венгер халқининг озодлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш вазифаларини бажармоқдалар.

Хитой Коммунистик партияси, Болгария Коммунистик партияси, Руминия ишчи партияси, Чехословакия Коммунистик партияси ва бошқа коммунистик ҳамда ишчи партиялар Совет Иттифоқининг венгер халқига ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тадбирларини пролетар интернационализми манфаатларига, социализм, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига муносиб бўлган тадбир сифатида якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Барча мамлакатларда тинчлик ва демократияни ҳимоя қилиб чиқаётган кенг доиралар ана шу тадбирларнинг тўғри эканлигини аста-секин тушуна бошладилар.

Венгрия воқиалари шуни кўрсатдики, империалистик кучлар социалистик мамлакатларни якка-якка тор-мор келтириш, жаҳон социалистик системасига путур етказишга уриниш мақсадида социалистик лагерининг бирлигини ҳар қандай воситалар билан бузиш йўлидаги уринишларини давом эттирмоқдалар.

Бу воқиалар шу нарсани яна бир марта таъкидладики, буржуазия ағдариб ташлангандан кейин ҳам, социалистик мамлакатларнинг ўз ичидаги синфий кураш тўхтамайди, ҳокимият тепасидан четлатилган эксплуататор синфлар ва уларнинг малайлари чет эл империалистлари билан иттифоқ бўлиб, пролетариат диктатураси ва партия раҳбарлигининг ҳар қандай заифлашувидан фойдаланиб, халқ-демократик тузумга қарши, ўз халқига қарши, капиталист ва помешчиклар ҳокимиятини тиклаш учун актив кураш олиб борадилар. Ҳар бир социалистик мамлакатдаги ва бутун социалистик лагердаги меҳнаткашларнинг манфаатлари, тинчликни, халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва социализм ғалабаси манфаатлари халқ-демократик тузумни янада тинмай мустаҳкамлашни, бу тузумни империалистларнинг ва ички контрреволюцион кучларнинг ҳар қандай кирдикорларидан қатъий ҳимоя қилишни, революцион ҳушёрликни бутун чоралар билан кучайтиришни талаб этади.

Венгрияда контрреволюция тор-мор келтирилиши билан социализм мамлакатларидаги барча антисоциалистик кучларга ва уларнинг чет эллардаги империалист ҳомийларига, халқ-демократик тузумни бузиш ва тугатишга уринаётган кишиларнинг ҳаммасига қатъий зарба берилди. Социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамкорлиги шу нарсани очиқ намойиш қилиб кўрсатдики, бу ҳамкорлик ана шу мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига қасд қилиш йўлидаги барча уринишларга қаттиқ ва қатъий зарба бера олади, ана шу ҳамкорлик қатнашчиларидан ҳар бирини ҳар қандай хавф-хатардан ҳимоя қилади.

КПСС ва ВСИП делегациялари эўр мамнуният билан шуни қайд қилдиларки, венгер халқи СССРнинг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг дўстона ёрдамига таяниб, контрреволюцион исённинг оқибатларини тугатишда ва мамлакатнинг ҳаётини нормаллаштиришда жиддий муваффақиятларга эришди.

Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукумати Венгрия социалистик ишчи партиясининг раҳбарлиги остида социалистик ғалабаларни ҳимоя қилди, меҳнаткаш деҳқонлар билан иттифоқ бўлган ишчилар синфининг ҳокимиятини тиклаш ва бу ҳокимиятни тобора мустаҳкамламоқда. Мамлакатда тартиб, осойишталик ва революцион қонунлар тикланди.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳамда аҳолини зарур товарлар билан таъминлаш соҳасида анча катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Мамлакатнинг контрреволюцион фитначилар томонидан изидан чиқарилган бутун хўжалик ҳаёти муваффақиятли суратда нормал йўлга қўйилмоқда.

Венгрия социалистик ишчи партияси меҳнаткашларни халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини янада оширишга, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини тўла суратда ривожлантиришга сафарбар қилмоқда. ВСИП венгер халқининг турмуш даражасини кўтариш учун қишлоқ хўжалигини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, меҳнаткаш деҳқонларнинг бутун кучларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши даражасини ҳар томонлама ва тез юксалтиришга сафарбар қилмоқда. ВСИП делегацияси экономикани нормал йўлга қўйишда Венгрия меҳнаткашларининг ўз фаолияти билан бир қаторда қардош социалистик мамлакатларнинг ёрдами ҳам катта роль ўйнади, деб таъкидлади.

ВСИП ва КПСС делегациялари мамнуният билан қайд қилдиларки, Венгрия меҳнаткашларининг ғоят кўпчилиги октябрь—ноябрь воқиаларига ва мамлакатда рўй берган вазиятга тўғри баҳо бермоқда ва ўзининг бутун кучини халқ-демократик давлатни бутун чоралар билан мустаҳкамлашга, мамлакатнинг халқ хўжалигини тезликда тиклаш ва ривожлантиришга, социалистик лагердаги мамлакатлар билан қардошларча иттифоқни мустаҳкамлашга сафарбар қилмоқда.

Контрреволюцияни муваффақиятли суратда бостиришда ва мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳаётини тиклашда Венгрия социалистик ишчи партиясининг хизмати катта эканлиги таъкидланди. Контрреволюцион доираларнинг Венгрияда ишчилар синфининг марксчи-ленинчи партиясини тугатиш йўлидаги уринишлари барбод этилди. Венгрия социалистик ишчи партияси марксизм-ленинизмга содиқ бўлган кучларни жипслаштириб ва ўз сафларининг бирлигини таъминлаб, реакцияни жиловлашга, халққа қарши ва социализмга қарши кучларни тор-мор келтиришга, контрреволюцион исённинг оқибатларини тугатишга кенг халқ оммасини сафарбар қилди.

КПСС ва ВСИП шуни таъкидлайдики, пролетариатнинг улуғ устозлари Маркс ва Ленининг ишчилар синфи марксчи партиясининг халқни сафарбар қилувчи, ташкил этувчи ва раҳбарлик қилувчи куч сифатидаги ҳал қилувчи роли тўғрисида, партиянинг омма ўртасида олиб борадиган идеология, тарбия ишларининг, партия ва партия раҳбарлигининг халқ оммаси билан кундалик алоқасининг буюк аҳамияти тўғрисидаги кўрсатмалари тўғри эканлиги Венгрия мисолида яна бир марта тасдиқланди. Венгриядаги воқиалар ишчилар синфи партияси сафларида интизомни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш ва партия сафларидаги бирликни бузиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши қатъий кураш олиб бориш зарур эканлигини ҳам кўрсатди. «Пролетариат партиясининг темир интизомини (хусусан пролетариат диктатураси даврида) андаккина бўшаштирган киши ҳақиқатда пролетариатга қарши буржуазияга ёрдам беради». (Ленин).

КПСС ва ВСИП делегациялари социалистик мамлакатларнинг, бу мамлакатларда яшовчи халқларнинг ҳамда коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги ва жипслиги зарур эканлигини Венгрия воқиалари яна бир март намойиш қилиб кўрсатди, деб таъкидлайдилар. Социалистик лагердаги мамлакатларнинг ҳаракат бирлиги шундай қудратли куч бўлдики, бу куч венгер халқига фашист режимининг қайтадан тикланиш хавфини тезликда тугатишга ёрдам берди, венгер халқининг социализм сари олга ҳаракат қилиб бориши учун керакли шарт-шароитни таъминлади. Ҳар иккала партия социалистик лагерининг бирлиги ва қудратини бундан буён ҳам тинмай мустаҳкамлашга қатъий қарор берганликларини таъкидлайди. Социалистик лагернинг бирлиги ва куч-қудрати социализм мамлакатлари озодлиги ва мустақиллигининг асосий гарантиясидир, мустамлакачилик зулмини ағдариб ташлаган ёки империалистик зулмдан озод бўлиш учун курашаётган халқларнинг қудратли таянчидир.

КПСС ва ВСИП ўз мамлакатларининг халқларини пролетар интернационализми ва меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлиги принципларига, буржуа миллатчилиги ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши шафқатсиз кураш руҳида бундан буён ҳам тарбиялашни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайдилар. Улар марксизм-ленинизмнинг пролетариат диктатураси тўғрисидаги, партиянинг раҳбарлик роли ҳақидаги таълимоти ҳаёт туб қонуниятларини ревизия қилиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъий қарши чиқадилар ва марксча-ленинча идеология соҳасида ҳар қандай бузиқ ва ғоғмачиликларга қарши, шунингдек социалистик мамлакатларни ва улардаги коммунистик ҳамда ишчи партияларни идеологик жиҳатдан заҳратиб юборган йўлидаги ҳар қандай уринишларга, бундай уринишларнинг қайси манбадан чиқиб келишидан қатъий назар, уларга қ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисида

БАЁНОТ

КПСС ва ВСИП кейинги вақтларда баъзи «назариячилар» томонидан тарқатилаётган «миллий коммунизм» идеяси марксизм-ленинизмга хилоф бўлиб, ҳар бир социалистик мамлакатга ҳам, умуман бутун социалистик лагерга ҳам катта зарар етказувчи идея деб ҳисоблайдилар. Бу идея ҳақиқатда пролетар интернационализмининг мустаҳкам негизларини қақшатишга, социалистик мамлакатлардаги халқларни бир-биридан ажратиб юбориш ва уларни бир-бирига қарама-қарши қўйишга, социалистик лагерни парчалаб юборишга, коммунистик ҳаракатни заифлаштиришга қаратилган, меҳнаткашларнинг ўз коммунистик ва ишчи партияларига бўлган ишончларига путур етказишга, халқларнинг социализм йўлидаги ҳаракатига халақит беришга қаратилган. Улуғ марксча-ленинча таълимот миллий характерда бўлмай, балки интернационал характердадир. Турли мамлакатларда социализм қурилиши марксча-ленинча фан кашф этган ижтимоий қонунларга таяниб, асосан умумий йўлдан бормоқда ва боради. Шу билан бирга, ҳар бир мамлакатнинг миллий традициялари ва хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда практикада социализм қуришнинг турли формалари ва методлари, социалистик қурилишнинг вазифаларини ҳал этишга турлича қараш бўлиши мумкин эканлиги ва бу нарса мавжуд эканлиги аёндир. Аммо, бу нарсанинг миллий чекланиш билан, баъзи социалистик мамлакатларнинг тажрибаларини бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибаларига қарама-қарши қўйиш билан, пролетар интернационализми принципларини эсдан чиқариш ва миллатчилик позициясига ўтиш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Интернационал таълимот бўлган марксизм-ленинизм шу билан бирга халқнинг туб миллий манфаатларини тўла акс эттиради. Ўз фаолиятини марксча-ленинча таълимотга асослаб олиб борадиган партиянинг сиёсати ҳар бир мамлакатдаги халқ оммасининг миллий ҳаётий манфаатларига тамомила мос келади ва ана шу манфаатларни ишчилар синфининг ҳамда барча меҳнаткашларнинг интернационал манфаатлари билан тўғри равишда бирга қўшиб олиб боришни таъминлайди.

Музокараларнинг қатнашчилари тенг ҳуқуқлилик ва қардошларча ҳамкорлик принципи асосида партия раҳбар арбобларининг вақт-вақт учрашиб туришлари ва кенгаш ўтказишлари шаклида, партия делегацияларини бир-бирларига юбориб туриш, партия ишлари тажрибаларини ўзаро ўрганиш, партия нашрлари, ҳужжатларни айирбошлаш ва шу сингари йўллар билан коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги алоқа ҳамда ўзаро дўстона муносабатларни бутун чоралар билан кенгайтириш ғоят муҳим эканлигини тасдиқлайдилар. Ҳар иккала партиянинг делегациялари халқаро аҳвол ва халқаро ишчилар ҳаракатига доир энг муҳим масалалар юзасидан, шунингдек партия ички ишлари юзасидан тегишли ахборотларни ўзаро айирбошлаш соҳасида вужудга келган ва хусусан кейинги вақтларда ривожланган практика ғоят фойдали ва самарали бўлиб, коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда дўстликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади ва бу практика мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Музокараларнинг қатнашчилари жаҳон ишчи ҳаракатида бирлик ўрнатиш мақсадида, социализм идеялари тарафдори бўлган барча ишчи партиялари, сиёсий оқимлар ва группалар билан алоқа ҳамда ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги ишларини бундан буён ҳам давом эттириш ниятида эканликларини билдирадилар.

КПСС ва ВСИП делегациялари эўр мамнуният билан шуни қайд қиладиларки, ҳар иккала партия ўртасидаги муносабатлар ғоявий жиҳатдан мустаҳкам дўстлик, қардошларча ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам руҳида ривожланиб бормоқда. КПСС билан ВСИП ўртасидаги ўзаро муносабатлар уларнинг марксизм-ленинизм принципларига астойдил содиқ эканликларига, социализм ва коммунизм қуриш учун, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик учун курашда революцион интилиш ва вазифаларнинг бирлигига асосланганлиги қайд қилинди.

ВСИП делегацияси шуни таъкидлаб кўрсатдики, ВСИП Венгрия Халқ Республикасида социализм қуриш соҳасидаги ўз амалий фаолиятида оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган улуғ ленинча таълимотга ва КПСС ҳамда совет халқининг тажрибаларига, шунингдек бошқа социалистик мамлакатларнинг ва улардаги марксчи-ленинчи партияларнинг тажрибаси ва практикасига таянмоқда ва доим таянади.

Бошқа ҳар қандай халқ демократияси мамлакати каби Венгрия ҳам ҳозирги шароитда социалистик давлатларнинг дўст оиласига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириб, социализм йўлидан боргандагина ўз мустақиллигини сақлаб қола олади. Шу сабабдан, «бетарафлик» деб аталган шиорлар аслида реакцион кучларнинг Венгрияни социализм лагеридан ажратиб олиш, уни миллий мустақилликдан воз кечиш йўлига тушириш ва чет эллардаги империалистик давлатларга бўйсундириш йўлидаги уринишидан бошқа бир нарса эмас.

КПСС делегацияси айтдики, Совет Иттифоқи халқлари венгер халқининг 1848 йил революциясида олиб борган курашига, венгер революцион ишчилар ҳаракатининг жанговар традицияларига, 1919 йилда Венгрияда совет социалистик республикасини тузган вақтда, Венгрия коммунистлари бошчилик қилган ва йигирма беш йил мобайнида эўр ғайрат билан олиб борилган антифашист курашда, иккинчи жаҳон урушидан кейин социализм қуриш соҳасида фидокорона қилинган ишлар вақтида, 1956 йил октябрь—ноябрь кунларида контрреволюционерларга ва империалистларнинг агентларига қарши олиб борилган қатъий курашда, контрреволюцион исённинг оқибатларини тугатиш соҳасида қилинаётган ижодий меҳнатда яққол кўринган жанговар традицияларига юксак баҳо берадилар, Россияда Совет Республикаси учун жанг қилган венгер революционер-интернационалистларнинг хотирасини ҳурматлаб эсга оладилар.

Россияда социалистик революциянинг ғалабаси учун курашда венгер революционерларининг иштироки, 1944 йилда фашизм асоратидан озод бўлишда, социализм қурилишида ва 1956 йилда контрреволюциянинг ҳужумини қайтаришда Совет Иттифоқи томонидан кўрсатилган ёрдам чинакам интернационализмнинг ажойиб ифодаси ва совет ҳамда венгер халқлари ўртасида, КПСС билан ВСИП ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг маҳкам базасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси совет ва венгер халқлари ўртасидаги, КПСС билан ВСИП ўртасидаги, совет ва венгер касаба союзлари ўртасидаги, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳамда ҳамкорликни мақсадга энг мувофиқ деб топилган формаларда бутун чоралар билан мустаҳкамлаяжаклари ва ривожлантиражакларини билдирадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Венгрия социалистик ишчи партияси социалистик мамлакатлар ва улардаги коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг дўстлиги ва ҳамжиҳатлигини янада ўстириш ва мустаҳкамлаш учун, ана шу мамлакатларда социализм ва коммунизмни муваффақиятли суратда қуриш манфаатларини, бутун дунёда халқларнинг хавфсизлиги ва тинчлик манфаатларини кўзлаб, социалистик лагернинг бирлиги ва қудратини мустаҳкамлаш учун ўзларининг бутун кучларини сафарбар қиладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг топшириғига мувофиқ
КПСС МК Биринчи Секретари
Н. ХРУШЧЕВ

Венгрия социалистик ишчи партияси делегациясининг топшириғига мувофиқ
ВСИП МҚ Раиси
Я. КАДАР

Венгрия Халқ Республикасининг Ҳукумат-партия делегацияси Москвадан жўнаб кетди

Венгрия Халқ Республикасининг Ҳукумат-партия делегацияси 28 мартда кечқурун Москвадан Киевга жўнаб кетди. Меҳмонлар Украина пойтахтидан ўз ватанларига жўнаб кетадилар.

Пойтахтнинг Киев вокзалига олиб борадиган магистраллари Венгрия Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган эди. Венгер ва рус тилларида қуйидаги сўзлар ёзилган қизил алвонлар кўчалар орқали тортиб қўйилган эди: «Яшасин ва мустаҳкамлансин бузилмас венгер-совет дўстлиги!», «Яшасин социализм ишини қаттиқ туриб сақлаб қолган венгер халқи!».

Неча юзлаб москваликлар Киев вокзалига тўпландилар.

Дипломатия корпусининг аъзолари, Венгрия Элчихонасининг ходимлари, Москвадаги олий ўқув юртларида ўқиётган венгриялик йигит ва қизлар шу ерда ҳозир бўлдилар.

Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Г. К. Жуков ўртоқлар, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. А. Яснов, СССР Министрлари ва бошқа расмий кишилар Венгрия Халқ Республикасининг Ҳукумат-партия делегациясини кузатиб қолиш учун вокзалга келдилар.

Делегация бошлиғи Янош Кадар саф тортган фахрий қоровул олдидан Н. А. Булганин билан биргаликда ўтади. Венгрия Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилади. Янош Кадар, Иштван Доби ва венгриялик бошқа ўртоқлар кузатиб қолувчилар билан хайрлашадилар.

СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Булганин ва Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон Ҳукуматининг раиси, Венгрия Социалистик Ишчи Партияси Марказий Комитетининг раиси Янош Кадар нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика Олий Совети депутатларининг Ўзбекистон ССР Олий Совети тўртинчи сессиясида киритган таклифлари ва билдирган истакларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалани кўрди.

Сессияда депутатлар сайловчиларнинг наказларига асосланган ва саноатни, қишлоқ хўжалигини, фан ва маданиятни янада ривожлантиришга, давлат аппаратининг ишини яхшилашга, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини максимал даражада қондиришга қаратилган 98 таклиф киритган эдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сессия материалларини ўрганиб чиқиб, республика Министрлар Советига депутатларнинг ҳамма таклифларини ва истакларини қараб чиқишни, бу таклиф ва истакларнинг амалга оширилиши учун зарур чоралар кўришни ҳамда бу таклиф ва истакларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида депутатларни ўз вақтида хабардор қилиб туришни топширди.

Шу билан бирга Олий Совет Президиуми маҳаллий Советлар билан алоқани кучайтириш ҳамда сессияда айтилган таниқлидий мулоҳазаларни ҳисобга олиб ташкилий-оммавий ишларни яхшилашда уларга амалий ёрдам бериш тадбирларини кўриб чиқди.

Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларига шу Советларнинг депутатлари киритган таклифларнинг бажарилишини таъминлаш ва олинган таклифларнинг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида ҳар бир сессияда ахборот бериб туриш топширди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўз мажлисида Қўқон шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳарда жамоат тартибини сақлаш ишига аҳолини жалб этиш соҳасидаги иши тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди ва тегишли қарор қабул қилди. (ЎзТАГ).

КАТТА ИЖОДИЙ КЎРИК ОЛДИДАН

СТАЛИНОБОД, 29 март. **(ЎзТАГ махсус мухбири).** Тўққизинчи апрелда Ватанимизнинг пойтахти—Москвада тожик адабиёти ва санъати декадаси очилади. Республикадаги театрлар, филармониянинг коллективлари, ёзувчилар, композиторлар ва рассомлар ўзларининг ижодий муваффақиятларига бўладиган кўрикка ғоят баланд руҳ билан тайёрландилар. Декада Тожикистон халқлари маданиятини мислсиз юксак даражага кўтарган ленинча миллий сиёсатнинг улуғвор самараларини яна бир марта намойиш қилади.

30 мартда декада қатнашчилари махсус икки поездда Москвага жўнаб кетадилар. Москвада ҳозир республика рассомларининг бир группаси тасвирий санъат музейида виставка тайёрлаш билан машғул бўлиб турибди. Москвага жуда кўп декорациялар, аппаратлар юборилди, постановка группалари жўнаб кетди. Декадада ҳаммаси бўлиб 1.500 киши қатнашади.

Тожик опера ва балет театри москваликларга тўртта спектакль кўрсатади. Ёш тожик композитори Ш. Сайфиддинов тожик ишчилар синфига, республикада Совет ҳокимияти ўрнатилишига бағишланган ўзининг биринчи асари бўлган — «Пўлат ва Гулрў» операсини яратди. Театр икки балет қўйиб беради: композитор А. Ленскийнинг Совет ҳокимияти йилларида тожик хотин-қизларининг ижодий ўсиши тўғрисида ҳикоя қилувчи «Дилбар» балети ҳамда композитор С. Баласаняннинг «Лайли ва Мажнун» балетини кўрсатади. Ҳар икки балет спектакли республика халқ артисти Г. Валломатзода томонидан саҳнага қўйилган.

Тожик драм театри Москвага М. Робиев ва С. Саидмуродовнинг «Саодат», Шекспирнинг «Қирол Лир» асарларини, Ш. Қиёмов ва А. Морознинг «Дил-дилизайнаб» водевилини олиб боради.

Маяковский номидаги рус драм театрининг декада репертуарида маҳаллий авторларнинг икки пьесаси бор. Машҳур тожик ёзувчиси М. Миршакарнинг ҳозирги замон интеллигенциясига бағишланган «Усмоновнинг фожиаси» асари ҳамда колхоз қишлоғидаги янги социалистик ўзаро муносабатлар тўғрисида ҳикоя қилувчи «Катта шуҳрат» номли асари кўрсатилади.

Ўзига хос тожик санъати тасвир этилган катта программа республика давлат филармониясининг тўртта ижодий коллективи томонидан — халқ чалғу асбоблари оркестри, ашула ва рақс ансамбли, хотин-қиз рубобчилар ансамбли томонидан ҳамда Памир ансамбли томонидан тайёрланган. Москвага Ленинобод ипакчилик комбинати, Тожик давлат университети, педагогика институтлари бадиий ҳаваскорларининг катта бир группаси боради. Декада вақтида иккита симфоник концерт қўйиб берилади. Бу концертларнинг программасига тожик композиторларининг музика асарлари киритилган. Оркестрга Тошкент консерваториясини битириб чиққан Усмон Мадёров дирижёрлик қилади. Тожик классик музика асарларини ижро қилувчи ҳофизларнинг Москвага бориши анча қизиқарлидир.

Тожикистон ёзувчилари томонидан катта ижодий иш қилинган. Декадага бағишланиб юздан ортиқ янги бадиий асарлар чиқарилди, шу жумладан, Сотим Улуғзоданинг «Ёшлигимизнинг тонги» повести, Мирзо Турсунзоданинг «Осиё овози» поэмаси, Ж. Икромийнинг «Ўзимни айбдор деб биламан» номли янги романи бор. Тожик адабиёти классикларининг бир қанча асарлари нашр этилди. Республиканинг ёзувчилари Москвада ижодий ҳисоботлар билан чиқадилар, янги китоблар муҳокама қилишда иштирок қиладилар. Москвада кўрсатиш учун олти юзга яқин рассомлик, чизмакашлик, амалий санъат асарлари юборилди. Тожикистон киностудияси учта янги фильм — С. Айнийнинг романи асосида «Дохунда» фильми, «Лоланинг ашулалари» ва «Сер қуёш мамлакат кишилари» номли фильмлар яратди. Шу билан бир вақтда Москвада ўзбек ва тожик кино ҳодимларининг қардошларча ҳамкорлиги билан яратилган «Абу Али ибн Сино» номли бадиий фильм кўрсатилади.

Сталинобод жамоатчилиги Москвага Тожикистон адабиёти ва санъати арбобларини самимият билан кузатиб, уларга яқинда бўладиган декадада катта ижодий муваффақият тилайди.

КПСС Марказий Комитетининг композиторлар Иккинчи Бутуниттифоқ съездига табриги

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет композиторлари Иккинчи Бутуниттифоқ съездининг делегатларини ва, улар орқали мамлакатимиздаги кўп миллатли музика санъатининг барча арбобларини қизғин табриклайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси янги, социалистик жамиятни вужудга келтириш даврини очиб берди. Бутун илғор инсоният бу йил Улуғ Октябрь социалистик революциясининг қирқ йиллигини нишонлайди. Бу революция бизнинг мамлакатимизда кишининг киши томонидан ҳар қандай тарзда эксплуатация қилинишини, миллий ва социал зулмнинг ҳамма формаларини тугатди. Совет халқи тарихан жуда қисқа вақт ичида ҳаётнинг барча соҳаларида буюк социалистик ўзгаришларни амалга оширди. Совет кишилари социализм учун курашда ўсдилар, тарихнинг чинакам ижодчиси бўлган халқнинг қудратли маънавий кучлари мавж уриб яшнади.

Совет композиторлари янги жамият қурилишида ўз ижодлари билан актив қатнашдилар, социалистик маданиятни ривожлантиришга қимматли ҳисса қўшдилар. Революция совет музикаси арбобларига санъатнинг буюк бурчини, яъни халқ учун, халқ баҳт-саодати учун ижод қилиш, эркин ва илҳом билан ижод қилиш бурчини амалга ошириш имкониятини яратиб берди. Совет ҳокимияти йилларида ёрқин ва завқли асарлар—опералар, балетлар, симфониялар, ораториялар, кантаталар вужудга келтирилди ва халқ томонидан гоят тақдирланди. Совет қўшиқлари мамлакатимиздагина эмас, балки унинг ташқарисида ҳам тинчлик, эркин меҳнат жарчиси, халқлар ўртасидаги қардошлик ва дўстлик жарчиси сифатида жаранглаб эшитилди.

Совет Иттифоқининг музика санъати Ватанимизда яшовчи халқлар ижодининг кўп манбаларини қамраб олиб, кўп миллатли, реалистик санъат сифатида юксалди.

Коммунистик партия совет композиторларининг ижодий фаолиятини ғоят қадрлайди. Бизнинг халқимиз музикани севади, ўз композиторларига зўр эътибор ва ғамхўрлик қилади. Совет мамлакатидагидек музика санъатини чуқур завқ ва сезгирлик билан тақдирловчи оммавий аудитория тарихда кўрилмаган эди.

Совет музика санъати капиталистик дунёдаги реакцион синфларнинг тушкунликка юз ўгирган музика санъати билан шафқатсиз кураш жараёнида ривожланди ва ривожланмоқда. Буржуа-модернистик санъатининг халқ манбаъларидан ажралиб қолганлиги, ўтакетган индивидуализми, классик меросдан ва халқ музикаси традицияларидан четга чиқиб кетганлиги унинг энг катта нуқсонидир. Янги, социалистик даврнинг ҳаётбахш манбаларидан илҳом олаётган совет санъати халқчилик ва юксак ғоявийлик позицияларида мустаҳкам қарор топди.

Прогрессив реалистик музика санъатини янада ривожлантириш учун бирлашиб олиб борилаётган курашда совет санъати мастерларининг халқ демократияси мамлакатларидаги ижодкор ташкилотлар билан ва бошқа чет мамлакатларнинг илғор музика арбоблари билан алоқалари тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Совет композиторларининг иккинчи съезди социалистик экономика ва маданиятни тағин ҳам ривожлантириш юзасидан Коммунистик партиянинг XX съезди чизиб берган улуғвор программани амалга ошираётган мамлакатимиздаги ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва интеллигенциянинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати ғоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда. Коммунизм қурилишининг тарихий вазифаларини ҳал этишда маданият ходимларининг ижодий фаолияти катта аҳамиятга эгадир. Совет композиторлари интеллигенциянинг бошқа отрядлари билан биргаликда, янги жамият қурувчиларнинг коммунистик онгини шакллантириш ва уларни эстетик тарбиялашда актив роль ўйнашлари керак.

Социалистик реализм методи совет композиторларидан эстетик ўйдирмачилик, жонсиз индивидуализм ва формализм билан, шунингдек санъатда натуралистик примитивизм билан изчил кураш олиб боришни талаб этади. Совет музикаси арбоблари воқеликни оптимизм ва юксак инсонпарварлик руҳида, ижод қилиш пафоси ва коллективизм руҳи асосида, ҳуллас совет кишиларининг дунёқарашига хос бўлган нарсалар билан суғорилган завқли, гўзал поэтик образларда акс эттиришлари лозим. Замондошларнинг ақл-идроки ва туйғуларига таъсир кўрсатиш, қалбларни алангалатиш, уларни коммунизм ғалабаси йўлида меҳнат қилишга илҳомлантириш, эксплуатациянинг, қул қилишнинг, ирқий жиҳатдан чеклашнинг ҳар қандай кўринишлари билан ва капиталистик системанинг бошқа иллатлари билан шафқатсиз кураш олиб бориш руҳида тарбиялаш — социалистик маданият арбобларининг олижаноб вазифасидир.

Мамлакатимиздаги воқеликнинг ҳар хил томонларини ва кишиларнинг маънавий бойлигини акс эттирувчи совет санъати турли бадиий индивидуалликни ҳар томонлама рўёбга чиқариш учун йўл очиб беради, ижодий ғайрат, дадил ташаббус кўрсатишни, шахсий майилларни, фикр ва фантазия эркинлигини таъминлайди. Совет музикаси арбоблари ўзларининг бутун талант, қобилият ва маҳоратларини халққа, «мамлакатнинг гули, унинг кучи ва истиқболи бўлган миллионларча ва ўн миллионларча меҳнаткашларга» (В. И. Ленин) бағишлашлари керак.

Совет музикасининг тараққиётида катта муваффақиятлар билан бир қаторда жиддий камчиликлар ҳам бор. Ҳозирги замон темаси композиторларнинг ижодида хали лозим даражада гавдалантирилмаётир. Халқ музика арбобларидан ҳозирги замон темасида ёзилган асарларни, совет кишиси тўғрисида, совет кишиси руҳининг улуғворлиги ва унинг меҳнат зафарлари тўғрисида мазмунли ва мелодик опералар яратишни, чуқур ғоявий мазмун оммабоп демократик музика тили билан қўшиб олиб борилган янги симфониялар, таъсирли лирик қўшиқлар, қувноқ музика асарлари яратишни кутмоқда. Композиторлар нимаики ёзмасин — симфонитал операни, қаҳрамонлик симфониясини, лирик қўшиқ ёки романсни,— совет кишилари ва уларнинг бутун дунёдаги дўстлари композиторларнинг умум инсоний маданият хазинасига қўшган ана шу ҳиссаларидан миннатдор бўладилар.

Совет музикаси арбобларининг барча ижодий кучларини бирлаштириши ва жипслаштириши, ёш ижодкор кадрларни кўтариш, ўстириш ва тарбиялашга бутун чоралар билан ёрдам бериши, СССР халқлари музика санъатининг ривожланишига актив ёрдам бериши лозим бўлган СССР Композиторлар союзининг ҳозирги вақтда қилаётган ишлари катта аҳамиятга эгадир. Композиторларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг бадиий маҳоратини такомиллаштириш, халқни эстетик тарбиялашдан иборат олижаноб ишда амалий ёрдам бериш, музика арбобларининг активлигини кучайтириш асосида ишнинг ижтимоий, демократик формаларини бутун чоралар билан мустаҳкамлаш — Композиторлар союзининг вазифасидир.

Коммунистик партия Марказий Комитети СССР композиторлари Иккинчи съездининг ишига катта муваффақият тилайди ва қаттиқ ишонч билдириб айтадики, совет музика арбоблари меҳнаткашлар оммасининг замонамиз юксак идеаллари учун олиб бораётган курашида бундан буён ҳам актив қатнашадилар ва ғолибона суратда коммунизм қураётган совет халқига муносиб асарлар яратадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

Совет композиторларининг Бутуниттифоқ Иккинчи съезди очилди

28 мартда Катта Кремль Саройида совет композиторларининг Бутуниттифоқ Иккинчи съезди очилди. Совет мамлакатидаги кўп миллатли музика маданиятининг вакиллари барча қардош иттифоқчи республикалардан Ватанимизнинг пойтахтига келдилар.

Бу съезд биринчи съезддан буён ўтган тўққиз йил мобайнида СССР композиторлари ижодининг якунларини тўплаши, музика маданиятимизнинг тараққиётини анализ қилиши ва бу тараққиётга баҳо бериши, совет музика санъати арбоблари олдида турган вазифаларни муҳокама қилиши керак.

Катта Кремль Саройида съезд очилган пайтда Москва жамоатчилигининг жуда кўп вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

Чет эллардан келган меҳмонлар—Албания, Англия, Болгария, Бразилия, Венгрия, ГДР, Греция, Хитой, Корея, Мўғулистон, Польша, Руминия, Финляндия, Чехословакия, Югославия композиторлари ҳозир бўлдилар.

Эрта билан соат 11. Съездни совет музика санъатининг отоқли арбобларидан бири композитор Ю. Шапорин очади.

Раислик қилувчи Д. Кабалевский шундан кейин съезднинг раҳбар органларини сайлашни таклиф этади. Президиум сайланади. Отоқли композиторлар, ижрочилар, музикашунослар, танқидчилар, бадиий жамоатчилик, партия ва совет ташкилотларининг вакиллари президиумга сайланадилар.

Съезд секретариатни, мандат ва редакцион комиссияларни, Совет композиторлари союзи ва музика фонди уставларни комиссияларини сайлайди.

К. Данкевич съезднинг барча делегациялари номидан гапириб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Президиуми аъзоларини фахрий Президиумга сайлашни таклиф этади. Бу таклиф қарсаклар билан қабул қилинади.

Съезднинг қуйидаги кун тартиби тасдиқланади:

1. Совет композиторлари союзи правлениесининг ҳисобот доклади—докладчи Т. Хренников.

2. Қўшимча докладлар: Совет композиторларининг музикали театр соҳасидаги ижоди тўғрисида—докладчи Б. Ярустовский; музика танқиди ва ижод—докладчи Г. Хубов.

3. Совет композиторлари союзи правлениеси ревизия комиссиясининг доклади.

4. Совет композиторлари союзи ва музика фонди Уставларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида доклад.

5. Совет композиторлари союзининг раҳбар органларини сайлаш.

Раислик қилувчи дунёнинг турли мамлакатларидан келган музика маданияти арбобларини съезд қатнашчилари номидан қизғин табриклайди.

Совет композиторлари союзининг бош секретари Т. Хренников союз правлениесининг ҳисобот докладини қилди.

— Композиторларнинг Бутуниттифоқ Биринчи съездидан буён узоқ вақт—тўққиз йил ўтди. КПССнинг XX съезди,—дейди докладчи,—ана шу даврда мамлакатимизнинг ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди. Бу съезд даврни кечириб бўлган идеялар ва тасаввурларга қарши, капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши курашда адабиёт ва санъатнинг катта роль ўйнашини таъкидлади. Партия бизни бадиий юксакликларга эришишга чақирмоқда. Совет музикаси бадиий чўққиларга эришишга қобил эканлигига бўлган ишонч ғўпгина ижодий асарларга, совет композиторлари ҳозирдаёқ яратган ва халқимиз томонидан ҳамда чет мамлакатлардаги жамоатчилик томонидан эътироф этилган асарларга таянади.

Докладчи партия XX съездидан кейин музика ижодиёти масалалари теварагида қизиб кетган дискуссия тўғрисида гапириб, қуйидагиларни таъкидлайди: музика назарияси ва практикасида шахсга сиғинишнинг таъсири билан бирор даражада боғланган хато ва бузишларни таниқлидий асосда тушуниб олиш учун кўп иш қилинди. Аммо, ана шу даврда ёзилган ёмон ва ўртача асарларнинг ҳаммасини шахсга сиғиниш таъсирининг бевосита оқибати, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди.

Докладчи совет музика ижодининг айрим жанрлари қандай аҳволда эканлиги тўғрисида гапириб, мамлакатимизнинг кўпгина республикаларида, жумладан, профессионал музика Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина вужудга кела бошлаган республикаларда опера санъатининг кенг ривожланганлигини ижобий факт, деб таъкидлайди.

Ўртоқ Хренников совет балет санъати тўғрисида гапириб, бу ижод музикали драматургиянинг барча жанрлари орасида ҳаммага манзур бўлган муваффақиятларга эришганлигини кўрсатади.

Докладчи енгил, завқли музиканинг юксалишига доир масалаларга тўхталиб, бу музиканинг ёмон асарлар билан ифлосланганлигини, унда завқсизлик аломатлари борлигини, унда жаз музикасидаги ёмон намуналар таъсири борлигини кўрсатади.

Ўртоқ Хренников ўз докладининг қисмларидан бирини музика ижоди пропагандасининг қандай қўйилганлигига бағишлади.

Биз, деди докладчи, шу билан фахрланамизки ,ҳозирги вақтда идеология кураши кескинлашган бир пайтда совет композиторларининг жаҳон жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилган асарлари социалистик идеология ғалабаси ишига хизмат қилмоқда. Ҳозирги вақтда эстетик позицияларимизни заифлаштиришни, бизни ўз йўлимиздан четга чиқаришни кўзлаб, бу позицияларга ҳужум қилаётган кишилар буни англайдилар. Биз, санъатда душман идеологиясига қарши янада эўр ғайрат билан кураш олиб бормоғимиз керак.

Ўртоқ Хренников сўзининг охирида бундай дейди: Халқчиллик, партиявийлик—санъатимизнинг юрагидир. Бизнинг кўп миллатли совет композиторлари отрядимиз социалистик эстетиканинг асос қилиб олинадиган ана шу принципларига доимо амал қилиб, янгидан-янги буюк муваффақиятларга эришади. Халқ, жонажон Коммунистик партиямиз биздан шуни кутмоқда. Коммунистик партиянинг идқомбахш раҳбарлиги, совет музикасининг тақдири тўғрисида доим сезгирлик билан ғамхўрлик қилаётганлиги кучимизга куч қўшади ва халқ олдидаги ижодий бурчимизни муносиб суратда бажара олишимизга бўлган ишончимизни оширади.

Сўз ҳамма томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитетининг Секретари Д. Т. Шепиловга берилади. Ўртоқ Шепилов Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг совет композиторларининг Бутуниттифоқ Иккинчи съездига табригини ўқиб беради. Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг табригини зўр эътибор билан тингладилар.

Шу билан съезднинг биринчи мажлиси ёпилади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхознинг пахта етиштиришни комплекс механизациялаштириш ишларидаги тажрибаси тўғрисида

Киров номли колхоз (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ғ. Ботиров) пахта етиштиришни комплекс механизациялаштириш асосида прогрессив агротехникани кенг қўлланиб, 1956 йилда сарфланадиган меҳнатни кескин равишда камайтиргани ҳолда пахта ҳосилини оширишда ажойиб муваффақиятларга эришди. Бу колхозда 1956 йилда барча майдонларда ғўза 50х50 ва 45х45 сантиметр схемалари асосида квадрат-уялаб жойлаштирилди, ҳамма ердаги ғўза икки томонлама ишланди, шу билан бирга қатор оралари тракторлар билан тўрт марта узунасига, уч марта кўндалангига ўз вақтида, юқори сифатли культивация қилинди, икки марта механизация билан узунасига ва бир марта кўндалангига озиқлантирилди.

Трактор ва далачилик бригадаларининг иши тўғри уюштирилганлиги, тракторлар бутун мавсум давомида далачилик бригадаларига биркитиб қўйилганлиги, ғўза механизация билан узунасига-кўндалангига ўз вақтида юқори сифатли ишланганлиги, культивация суғориш ва қўл иши билан боғлаб олиб борилганлиги туфайли колхоз пахта майдонларини доим юмшоқ сақлаш ва бегана ўтдан тоза тутиш имкониятига эга бўлди. Шундай қилиб, колхоз бўйича ўрта ҳисобда кўпи билан икки марта чопиқ ва икки марта ўтоқ ўтказилди.

Ғўзани квадрат-уялаб жойлаштириш ва бошқа илғор агротехникани кенг қўлланиш асосида Киров номли колхоз ўтган йили ҳар гектар ердан 38,1 центнердан, 1955 йилдагига нисбатан 10,9 центнердан кўп ҳосил олди, ҳар бир центнер пахтани етиштириш учун 1955 йилдаги 8 ишчи куни ўрнига 4 ишчи куни сарфланди.

1.-2-ва 3-далачилик бригадаларида гектаридан 40-46 центнердан ҳосил олинди, уларда ҳар бир центнер пахтани етиштиришга 3-3,5 ишчи куни сарфланди.

Техникадан тўла ва юқори сифатли фойдаланилганлиги натижасида колхознинг даромади анча ўсди: ўтган йили ҳар меҳнат кунига 1955 йилдаги 8 сўм 74 тийин пул ва 1,6 килограмм дон ўрнига 24 сўм 48 тийиндан пул ва 2,3 килограммдан дон тақсимлаб берилди.

Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхознинг илғор тажрибасини кенг оммалаштириш пахта ҳосилини янада ошириш ва сарфланадиган меҳнатни камайтиришда муҳим резерв эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Бюроси **қарор қилди:**

1. Пахта етиштиришда илғор агротехникани кенг қўлланиш ва уни комплекс механизациялаштириш йўли билан 1956 йилда сарфланадиган меҳнатни кескин равишда камайтириб, мўл ҳосил олган ҳамда 1957 йилда қўл меҳнатини янада камайтириб, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан пахта етиштиришга ваъда қилган Киров номли колхознинг илғор тажрибаси маққуллансин.

2. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлигига, область ва район партия комитетларига, область ва район ижроия комитетларига, совхоз ва МТСларнинг директорларига, қишлоқ хўжалигининг барча мутахассисларига Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхознинг илғор тажрибасини республика колхоз ва совхозларига кенг ёйиш мажбурияти юклатилсин.

3. Республика, область ва район газеталарининг редакторларига, Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг радиоинформация Бош бошқармасига Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхознинг пахта етиштиришдаги илғор тажрибасини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш ва далачилик ҳамда трактор бригадаларининг ишини тўғри уюштириш ва бир-бирига боғлаб олиб бориш, қўл меҳнатини кескин равишда камайтириб, пахта ҳосилини анча оширишдаги тажрибасини матбуот ва радио орқали мунтазам ёритиб, республика колхоз, МТС ва совхозларига оммалаштириш вазифаси топширилсин.

Пахтачилик ишларини комплекс механизациялаштириш йўлида

Ғаффор БОТИРОВ

Наманган область, Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхознинг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

1954 йил ноябрь ойида Тошкентда КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Ўртоқ Н. С. Хрушчев иштирокида пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан бўлиб ўтган кенгаш Партия ва Ҳукуматимизнинг қарорларини ижараиш асосида пахта ҳосилини оширишнинг жуда муҳим тадбирларини белгилаб берди.

Бу тадбирлардан энг муҳими чигитни тор қаторлаб ва квадрат-уялаб экиш, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш усулидир. Бу усул пахтачилик ишларини комплекс механизациялаш билан бирга, ҳосилни кўтаришда жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Тўрақўрғон районининг колхозлари, шу жумладан бизнинг колхозимиз чигитни тор қаторлаб экишга 1950 йилдаёқ ўтган эди. Қатор оралари 70 сантиметр ўрнига 60 сантиметр қилиб экиб, гектаридан олинадиган ҳосил 2-3 йил ичида 18 центнердан 23 центнерга кўтарилди. Лекин у вақтларда ғўза қатор оралари фақат узунасига ишланар эди.

1954 йилда Жданов номли колхозда тажриба тариқасида 10 гектар ерга қатор оралари 45 сантиметр қилиб чигит экиб, ғўзани кўндалангига қирқиб яганалаш билан 45х45 сантиметр схемасида жойлаштириб, икки томонлама ишлаш натижасида кўл меҳнатини кам сарфлаб, сентябрь ойидаёқ гектаридан 31,6 центнердан пахта териб олдик. Йил охирида эса ҳар гектаридан олинган ҳосил 42,6 центнерга етди.

Ана шу тажриба асосида 1955 йилда Киров номли колхознинг Ўртоқ Наиббой Тошматов бошлиқ бригадасида 42 гектар ерда ғўзани 45х45 сантиметр схемасида жойлаштириб, гектаридан 42 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Шундан кейин колхозимизнинг пахтакорлари чигитни тор қаторлаб экиш ва ғўзани квадрат қилиб жойлаштириб икки томонлама ишлашнинг афзалликларига яна ҳам ишонч ҳосил қилдилар, 1956 йилдан бошлаб, бутун колхоз бўйича ана шу усулда ишлашга қарор бердилар.

Партия ва Ҳукумат пахтачиликнинг янги, прогрессив усулларини кўрсатиб бериш билан бирга, пахтакорларимизни янги ажойиб машиналар билан таъминламоқдалар. Эндиликда ер ҳайдашдан тортиб, чигит экиш, қатор ораларини ишлаш, ўғитлаш, зараркунандаларга қарши дори сепиш, пахта ва кўсак териш, ҳатто ғўзапоя юлишгача бўлган барча оғир ишларни кенг равишда механизациялаштириш имконияти туғилди.

Илгариги йилларда эски усулда ишланган ерларда ҳосил кеч етилиб, пахта терими қишгача чўзилиб кетар эди. Шунинг натижасида ерларимиз шудгор қилинмасдан қолар эди. Янги усулда ишлашнинг биринчи афзаллиги шу бўлдики, ҳосил барвақт етилиб, пахта терими эрта тугалланиши орқасида мўл ҳосил етиштиришнинг асосий шарти бўлган кузги шудгорлашни ўз вақтида ўтказиш имконияти туғилди.

Биз 1955 йилнинг кузида пахта майдонимизнинг ҳаммасини шудгор қилиб қўйган эдик. Шунинг натижасида ўтган йил кўкламда чигит экишни энг яхши агротехника муддатларида қисқа вақтда ўтказишга эришдик. Бултур 628 гектар пахта майдонидан 180 гектарига чигитни 50х50 сантиметр схемаси билан режа сими тортиб, квадрат-уялаб экдик. 304 гектар ерга қатор ораларини 45 сантиметр, қолган ерларга 50 сантиметр қилиб қаторлаб экиб, сўнгра ғўзани кўндалангига қирқиб ягана қилдик. Бу ерларнинг ҳаммаси механизация билан икки томонлама ишланди.

Натижа нима бўлди? Натижада колхозимиз 1956 йилда 1955 йилдагига қараганда пахта ҳосилини бир йил ичида 10,9 центнер ошириб, 628 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,1 центнердан ҳосил кўтаришга муваффақ бўлди. Шу билан бирга пахта етиштириш учун сарфланадиган меҳнат кескин равишда камайди Агар 1955 йилда пахта майдонига жами 265 минг меҳнат куни ёки ҳар бир гектар ерга 339 тадан, 1 центнер пахта етиштириш учун 8 тадан ишчи куни сарфланган бўлса, 1956 йилда 1 гектар ерга 245 тадан меҳнат куни ёки 1 центнер пахта етиштириш учун 4 тадан ишчи куни сарфланди. Шундай қилиб, 1955 йилдагига қараганда, колхоз бўйича 111,5 минг меҳнат куни ёки 1 центнер пахта учун 4 ишчи куни тежалди.

Шундай қилиб, янги усул илгари кам қувват колхозлардан ҳисобланган бизнинг колхозимизнинг экономикасини кўтаришда жуда катта ёрдам берди. 1955 йилда пахтачиликдан 6 миллион 123 минг сўм даромад қилиб ҳарбир меҳнат кунига 8 сўм 74 тийиндан пул ва 1,6 килограммдан галла тақсимланган бўлса, 1956 йилда 8 миллион 365 минг сўм даромад қилиб, ҳар меҳнат кунига 24 сўм 48 тийиндан пул ва 2,3 килограммдан галла тақсимлаб бердик.

Биз бунга қандай қилиб етишдик? Аввало кўчатдан ютдик. 50х50 сантиметр схемасида ҳар бир уяда 2-2,5 тупдан кўчат қолдириб, гектарида 100 минг туп, 45х45 сантиметр схемасида 2-3 тадан кўчат қолдириб, гектарида 110 минг туп кўчат бўлишини таъминладик.

Ўтган йили ғўза қатор ораларида узунасига тўрт марта, кўндалангига уч марта культивация ўтказиб, икки бор кетмон чопиғи ва икки бор ўтоқ қилдик. Ҳолбуки, 1955 йилда фақат узунасига 7 марта культивация қилиб, 7 марта кетмон чопиғи ўтказган эдик.

Ғўзани янги усулда парвариш қилиш пахта далаларини ҳамиша ёввойи ўтлардан тоза, тупроқнинг доим юмшоқ ва нам ҳолда сақланиши билан бирга, ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши тезлашиб, ҳосилнинг эрта етилишини таъминлайди. Ғўза икки томонлама ишланиши натижасида кетмонга иш жуда оз қолади. Фақат трактор айланадиган жойлар, ўқариқ ёқалари, дала четларидаги ғўзаларнинг таги кетмон билан чопилади. Шунинг натижасида колхозчиларимиз илгари бир кунда 0,10-0,12 гектар ерни чопиқ қилган бўлсалар, ўтган йили ҳар бир колхозчи кунига 0,30-0,35 гектарни чопиқ-ўтоқ қилди. Ўртоқ Абдулхай Ёрқинбоев бошлиқ бригада фақат бир марта кетмон чопиғи ўтказиб, 55 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,6 центнердан ҳосил етиштирди. Ҳар бир центнер пахта учун 3 ишчи куни сарфлади. Ёки бир йилда ҳаммаси бўлиб 11 минг меҳнат куни тежаб қолди.

Ғўзани иккинчи озиқлантиришда ўғитни кўндаланг қаторларга солдик. Учинчи озиқлантириш эса узунасига ўтказилди. Шундай қилиб, ерга солинган ўғит ғўзанинг тўрт тарафидан куч бериб, унинг тез ўсиб ривожланиши ва ҳосилнинг тўла сақланиб қолишини ва тез етилишини таъминлади.

Ўтган йили ғўзани ўсиш даврида биз 6-8 марта суғордик. Тор қаторлаб экилган ғўзаларни суғориш айниқса усталикни талаб этади. Бўлмаса ғўзани сувга чақириб қўйиш мумкин. Биз 45х45 ва 50х50 сантиметр схемасида жойлаштирилган ғўзаларни ёз давомида эгат оралатиб суғордик. Чунки қатор оралари тор бўлганлиги сабабли ҳар бир эгатдан сув қуйилганда ер қотиб қолади, эгат ташлаб суғорганда эса орадаги пушталарнинг тупроғи қизиб туради. Кун исиган вақтларда ҳам ғўза шона ташламайди. Шу билан бирга биз эгатларга навбатлаб сув қўйиш тажрибасини ҳам қўлланмоқдам и з. Бунда илгари сув қўйилган эгатларга дам бериб, кейинги суғоришда сувни унинг ёнидаги эгатлардан қўямиз. Бунда қизиб ётган юмшоқ тупроққа сув чуқур сингиб, ғўзани яхши қондиради, ерни ўт босмайди.

Биз суғоришни айрим яхлит карталарнинг бир вақтда етилиши ва тобида культивация қилинишини кўзда тутиб ўтказамиз. Суғоришдан кейин ер етилган пайтда бир икки кун ичида культивация қилиб чиқилишини таъминлаймиз.

Колхозимизда хизмат қиладиган трактор бригадаларининг тракторчилари ҳаммаси ўзимизнинг колхозчиларимиздан. Уларнинг оила аъзолари ҳам шу колхозда турадилар. Шунинг учун биз тракторчиларни ўз оила аъзолари ишлайдиган бригадаларга биркитиб қўйганмиз. Шунинг учун ҳам бизнинг тракторчиларимиз юқори ҳосил етиштириш учун оила аъзолари билан бирга манфаатдордирлар. Улар ишни сифатли бажариш, айниқса ёз даврида культивация қилишда ғўза тупларининг нобуд бўлиши ва сийракланиб қолишига йўл қўймаслик учун қаттиқ курашдилар. Шунинг учун ҳам ўтган йили колхоз бўйича август ойига борганда ўрта ҳисобда ҳар гектар ерда 105 минг тупдан ғўза кўчати бўлишига эришдик. Ўртоқ Турғунбой Сидиқов бошлиқ бригадага биркитилган универсалчи ўртоқ Шоди Ҳожиев 35 гектар ернинг ҳар гектаридан 50,5 центнердан пахта ҳосили олинишини таъминлади.

Бу йил колхозимизга қўшни Оржоникидзе номли колхоз ҳам қўшилиб, пахта майдонимиз 1283 гектарга етди. Колхозимизнинг аъзолари пахтачилик ишларини янада кўпроқ механизациялаштириб, қўл меҳнатини тагин ҳам кам сарфлаш билан ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар.

Тажриба шуни кўрсатдики, янги агротехника усулини тўла равишда қўлланиш учун экишгача бўлган давр ичида мўл ҳосил етиштириш йўлидаги барча тадбирларни амалга ошириш керак. Бу ишга биз ўтган йилнинг кузидан бошлаб киришдик. Кузги шудгорни сифатли ўтказиш, ерда кўпроқ нам сақлаш мақсадида октябрнинг бошларигача ғўзани суғоришни давом эттирдик. Бунчалик кеч суғориш бизнинг шароитимизда биринчидан, кейинги олгин кўсакларнинг очилишига ёрдам берса, иккинчидан, келгуси йил ҳосили учун ерни етарли нам билан ҳайдаб, шудгорнинг сифатли ўтказилишини таъминлайди.

Кузда 1200 гектар ерни шудгор қилиб қўйган эдик. Қолган 85 гектарини 15 мартгача ҳайдаб қўйдик. Кузда ҳайдаш олдидан ҳар гектар ерга 150 килограммдан фосфор, 5-8 тоннадан гўнг солинди. Эрта кўкламда бороналаш олдидан самолёт билан гектарига 250 килограммдан фосфор чочиб борона қилдик. Март ойининг бошиданоқ селгиб етилган ерларни танлаб бороналашга киришиб, ҳамма шудгорни бир марта узунасига, иккинчи марта кўндалангига икки қаторли борона билан бороналаб чиқдик. Шу билан бирга ернинг бетини текислашга алоҳида эътибор бердик. Трактор сеялкаларининг, айниқса квадрат-уялаб экадиган сеялкаларнинг текис юриши, квадратларнинг аниқ чиқиши учун шудгорни от ва ҳўкиз билан енгил молалаб чиқдик.

Бизга янги қўшилган Оржоникидзе номли колхознинг ер карталари кичкина эди. Кўкламги экиш олдидан ана шу карталарни йириклаштириб, 48 та майда картани 18 тага келтирдик. Бунинг натижасида биргина Оржоникидзе участкасидан пахта майдонига 15 гектар ер қўшилди.

Тўла гектар учун курашда карталарни кенгайтириш, ерни яхши текислаш, уват, марзаларни чопиш, ҳар бир гектарга тўла чигит экиб, уни текис ундириб олиш билан бирга, ёз даврида ғўза тупларининг камайиб қолмаслигига эришиш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Чигитни тор қаторлаб экиш, ғўзани квадрат қилиб жойлаштириб, механизация билан икки томонлама ишлаш ҳар бир қарич ердан тўла ва унумли фойдаланиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини колхозчиларимиз энди жуда яхши тушуниб олдилар. Улар «қатор оралашни кенг қилиб экиб, ёзи билан кетмон чопиб, ернинг умрини бекорга ўтказиб юрган эканмиз», демоқдалар. Ҳақиқатан ҳам пахта ҳосили ҳар бир тup ғўзадан олинишини биз ўз тажрибамизда муваффақиятли синовдан ўтказдик.

Бу йил 400 гектар ерга 50х50 сантиметр схемасида режа сими тортиб квадрат-уялаб экишни планлаштирдик. Қолган ерларга тор қаторлаб экиб, кўндалангига қирқиш билан ғўзани квадрат қилиб жойлаштирамиз. Бунинг учун колхозчилардан 50 киши квадрат-уялаб экишни ўрганиш қисқа муддатли курсларида ўқиб чиқди. Тракторчилар ўтган йилги ишлаган далачилик бригадаларига биркитиб қўйилди. Улар экишдан тортиб, то ғўза парваришининг охиригача қатор ораларини ишлаш даврида кўчатни камайтирмаслик учун жавобгардирлар.

Колхозимиз 20 мартдан бошлаб чигит экишга киришди. Бу йил биринчи марта экиш билан бир вақтда ерга ўғит солиб кетиш усулини ҳам қўлланаётирмиз. Ҳар гектар ерга 60 килограммдан сульфат аммоний солинаётир. Бу тадбир чигитнинг тез униб чиқишига, ёш ғўзаларнинг яхши ривожланишига ёрдам беради.

Ҳозиргача 800 гектар ерга чигит экилди. 16 та экиш агрегатидан 5 таси квадрат-уялаб экмоқда. Университетчи Абдувоҳид Турдиев, Бекмирза Ҳолмирзаев ўртоқлар ҳар куни 7-8 гектар ерга квадрат-уялаб чигит экмоқдалар. МТС бош агрономи Охунов, инженер Аракиян, колхоз агрономи Эгамбердиев ўртоқлар бригада бошлиқларининг иштирокида ҳар бир агрегатнинг эккан жойини кунига 2-3 мартадан текшириб, квадратларнинг аниқ чиқишини кузатиб бораяптилар. Ҳозиргача квадратларнинг бузилганлиги сезилгани йўқ. Биз экишни яқин 3-4 кун ичида тугаллаш учун бутун куч ва воситаларни сафарбар қилганмиз. Шу билан бирга чигитни барвақт, текис ундириб олиш чораларини кўраётирмиз. Қатқалоққа қарши курашдиган асбоблар тахт қилиб қўйилган. Бизда ернинг нами тўла сақлаб қолинди. Ҳамма жойда чигитни ернинг ўз намига ундириб оламиз.

Колхозимизнинг аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, пахтачилик ишларини янада кенг механизациялаштириш билан колхоз бўйича 300 мингга яқин меҳнат кунини тежаш, ҳар бир центнер пахта учун 3-3,5 ишчи куни сарфлаб, гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар. Биз Партия ва Ҳукуматимизнинг кундалик ёрдамига таянган ҳолда, совет давлатининг етказиб бераётган қудратли техникасидан тўла ва унумли фойдаланиб, бу мажбуриятни албатта бажарамиз.

ТАСС баёноти

Кейинги вақтларда Исроилдаги баъзи давлат арбобларининг баёнотларида ва Франция матбуотида Исроилнинг Мисрга қарши янги агрессияга тайёрланаётганлиги тўғрисида тобора кўп гапириб келинмоқда. Исроил давлат арбобларининг баёнотларида Мисрнинг шаънига очиқдан-очиқ таҳдид қилинади. Америкада чиқадиган «Ньюс уик» журнали Исроил бош министри Бен-Гурионнинг баёнотини эълон қилди. Бу баёнотда Исроилнинг Акаба кўрфазида кемалар қатнови шартлари тўғрисидаги талаби қондирилмаса, «Исроил уруш бошлайди» дейилади. Исроил радиоси Бен-Гурионнинг парламентда қилган баёнотини эшитирди. Бу баёнотда қуйидагилар айтилган: «Газо территориясида яраш тўғрисидаги битим асосида бундан тўрт ой муқаддам мавжуд бўлган аҳволни тиклашга ҳаракат қилинадиган бўлса, Исроил эркин ҳаракат қилишни ва ўз қуролли кучларидан фойдаланиш имконияти берилишини талаб этади».

Исроил давлат арбоблари ана шундай провокацион баёнотлар билан майдонга чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясининг Исроилнинг ҳаракатларини қоралаган ва Миср давлатининг қонуний миллий ҳуқуқларини ҳимоя қилган қарорларини ошкора суратда менсимаётирлар. Шу билан бирга, улар АҚШ Исроил олдида араб мамлакатларига қарши қаратилган қандайдир гарантияларни ўз зиммасига олганлигини аниқ кўрсатмоқдалар. Ана шундай гарантиялар АҚШ давлат секретари билан Исроил ташқи ишлар министри ўртасида жентльменлик келишувига асосан берилганлиги тўғрисида ҳам гапирилади. Франция бош министри Ги Молле ва ташқи ишлар министри Пино шу тўғрида хабардор қилинган.

Чет эл матбуотининг хабарларига қараганда, Франция ҳукуматининг расмий вакиллари ҳам Исроил Миср қарши яна агрессия бошлаган тақдирда, Франция Исроилни қўллаб-қувватлаш тўғрисида берган ваъдаларини бажаради, деб Исроилни ишонтирганлар. Зарурат бўлган тақдирда, Франциянинг ҳарбий ҳаво кучлари Миср қарши ҳужумда қатнашиш ва Исроил қўшинларини ҳаводан пана қилиб туришни таъминлашга тайёр эканлиги кўрсатилади. Шу билан бирга, Миср қарши янги агрессияда Франциянинг иштирок қилишига тайёргарлик кўриш мақсадида кўрилаётган тадбирлар ошкора маълум қилинмоқда.

Франциянинг Мисрга қарши янги агрессияга тайёргарлик кўраётганлиги тўғрисида матбуотда босилган хабарлар Франция ҳукумати томонидан рад этилмаганлиги эътиборни жалб этади.

Бу ҳолатларнинг ҳаммаси Англия, Франция ва Исроилнинг Мисрга қарши агрессиясини қатъий суратда қоралаган жаҳон жамоатчилигининг эътиборини ўзига жалб этмай қола олмайди. Бу ҳолатлар шуни исбот этадики, мустамлакачилар ва уларнинг ёрдамчилари ўт билан ўйнашни давом эттирмоқдалар, ўз суверенитетини, ўзининг қонуний ҳуқуқларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Миср ва бошқа араб давлатларига қарши янги хавфли провокациянинг ташаббусчиси сифатида Исроилдан фойдаланиш йўлидаги уринишлар давом эттирилмоқда.

Совет Иттифоқининг раҳбар доираларида Совет ҳукумати умуман халқаро муносабатларда куч ишлатишга қарши чиққанидек, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қарши куч ишлатишнинг қатъий душмани бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб айтмоқдалар. Миср қарши янги агрессиянинг бошланиши хавфли аҳволни ва тинчлик иши учун оғир оқибатларга сабаб бўладиган кенг миқёсда ҳарбий конфликт хавфини вужудга келтирган бўлур эди. Шу сабабдан, ана шу доиралар Исроилдаги, шунингдек Франциядаги экстремистик доиралар тутган позицияни қатъий қораламоқдалар. Ана шу экстремистик доиралар Яқин ва Ўрта Шарқ районида вужудга келган аҳволни тинч йўл билан ҳал этишга ёрдам бериш ўрнига сунъий равишда ва қасддан гиж-гижлатиш йўлини тутмоқдалар, вазиятни кескинлаштирмоқдалар, янги хавфли ҳарбий авантюралар тайёрламоқдалар.

АВСТРИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XVII СЪЕЗДИ

ВЕНА, 28 март. (ТАСС). Бугун Венада Австрия Коммунистик партиясининг XVII съезди очилди.

Съездда Австриянинг ҳамма ўлкаларидан келган 400 дан ортиқ делегат қатнашмоқда. Бугун бу ерда ишчилар ҳаракатининг ветеранлари, фашизмга қарши қўқмас курашчилар, Австрия меҳнаткашлари манфаатларининг саботли ҳимоячилари учрашдилар.

Съездда 18 мамлакатдаги қардош коммунистик ва ишчи партиялардан келган меҳмонлар иштирок этмоқда. Меҳмонлар орасида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг КПСС Марказий Комитети аъзоси Б. Н. Пономарев ва КПСС Марказий Комитети аъзоси, Украина КП Запорожье обкомининг биринчи секретари А. И. Гаевойлардан иборат делегацияси бор.

Австрия Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ф. Хоннер кириш нутқи сўзлаб, Австрия Компартиясининг XVII сездига келган қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг вакилларини табриклади. Съездга Германия Коммунистик партиясининг вакиллари келганлиги тўғрисидаги хабарни делегатлар қарсаклар билан кутиб олдилар. Делегатлар Венгрия социалистик ишчи партияси делегациясининг Австрияга келишига Австрия маъмурлари рухсат бермаганлигини эшитиб газабландилар. Раислик қилувчи Австрия ҳукуматининг ҳатти-ҳаракатига қарши Компартия номидан қатъий норозилик билдиради ва Австрия коммунистларининг Венгрия социалистик ишчи партияси билан бирдамликларини айтади.

Съезд қуйидаги кун тартибини бир овоздан қабул қилади:

1) Марказий Комитетнинг ҳисоботи:

а) Партиянинг сиёсий аҳволи ва кураши тўғрисида — докладчи И. Копленг.

б) Молиявий ҳисобот — докладчи Г. Фриц.

в) Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи — докладчи Ф. Фрейхаут.

2) «Австриянинг социализмга бориш йўли» — докладчи Ф. Фюрнберг.

3) Комиссияларнинг докладлари.

4) Марказий Комитетни, Марказий ревизия комиссиясини ва Марказий партия комиссиясини сайлаш.

РУМИНИЯНИНГ ҲУКУМАТ-ПАРТИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БОЛГАРИЯГА КЕЛДИ

СОФИЯ, 28 март. (ТАСС). Руминия Халқ Республикасининг ҳукумат-партия делегацияси расмий визит билан бугун Софияга келди. Делегацияга Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ва Руминия Буюк миллат мажлиси Президиумининг аъзоси Г. Георгиу-Деж бошчилик қилмоқда. Делегация составида: Руминия Министрлар Советининг раиси Киву Стойка, Руминия ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ҳамда Министрлар Совети раисининг ўринбосари Петре Борила, Руминия ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат Леонте Рэуту, Ташқи ишлар министри Григоре Преотяса, Давлат план комитетининг раиси Георге Гастон Марин ҳамда Руминиянинг Болгариядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Михаил Рошиану бор.

София вокзалида делегацияни Болгария коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Министрлар Советининг раиси Антон Югов ҳамда Болгария Коммунистик партиясининг ва Болгария ҳукуматининг бошқа раҳбарлари кутиб олдилар.

Цейлон парламент делегацияси Совет Иттифоқига келади

ДЕҲЛИ, 28 март. (ТАСС). «Цейлон дейли ньюс» газетасининг билдиришича, Цейлон парламент делегацияси апрель ойида Совет Иттифоқига келади.

Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг сессияси тугади

БАНГКОК, 28 март. (ТАСС). Бугун Бангкокда БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг 13-сессияси ўз ишини тамомлади.

Эрталабки ва кечки мажлисларда БМТнинг иқтисодий ва социал кенгашида йиллик доклад проекти муҳокама қилинди ва бир қанча тузатишлар билан қабул қилинди. Бу проектни Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг секретариати тайёрлаган эди.

Совет делегациясининг бошлиғи П. А. Малетин охирги сўзида Осиё ва Узоқ Шарқ иқтисодий комиссиясининг 13-сессияси Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари учун муҳим бўлган иқтисодий проблемаларни қараб чиқиб ва муҳокама қилиб, катта иш қилганлигини уқтириб ўтди. У, комиссияни Осиё мамлакатлари олдида турган иқтисодий вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига ёрдам берадиган ҳамда улар экономикасининг мустақиллигини мустаҳкамлайдиган ташкилот сифатида бутун чоралар билан мустаҳкамлаш зарурлигини айтди.

Чигит экилмоқда

«Мирзачўл» совхозининг ишчилари чигит экишни уюшқоқлик билан бошлаб юбордилар. Совхознинг ўртоқ Б. Суяров бошлиқ 3-бўлим, 6-бригадасида 55 гектар ерга чигит экилди. Шунингдек А. Эшбеков бошлиқ бригада ишчилари ҳам мавжуд 40 гектар пахта майдонининг 20 гектарига сифатли қилиб чигит экдилар. Универсалчилардан С. Холбўтаев, О. Бўтаев каби ўртоқлар бу ишда актив қатнашмоқдалар. Улар кунига 14-16 гектар ерга чигит экиб бошқа механизаторларга ўрнак бўлмоқдалар. Сеялкачилардан Н. Исломов, А. Битўраев каби ўртоқлар чигитнинг нормал қалинликда униб чиқишини таъминлаш учун курашиб, экишни юқори агротехника қоидалари асосида ўтказиш учун курашмоқдалар.

Шунингдек совхознинг Ш. Олтмишев бошлиқ 4-бўлимида ва райондаги «Коммуна», Ленин номли колхозларда ҳам чигит экиш қизғин тус олмоқда.

В. ШОДМОНОВ.

Янги ердаги колхозда

Сирдарё районидаги «Правда» колхози янги ташкил этилган қишлоқ хўжалик артелларидан ҳисобланади. Колхоз аъзолари бу йил 340 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар ердан камида 30 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олганлар. Улар бу мажбуриятни ортиғи билан бажариш учун курашиб, кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўрдилар. 2-МТСнинг ана шу колхозда хизмат қилаётган механизаторлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаганликлари туфайли экин майдонлари барвақт ҳайдовдан чиқарилди. Шунингдек бороналаш, ер текислаш ишлари ҳам гоят уюшқоқлик билан ўтказилди.

Колхозчилар механизаторлар билан биргаликда ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, чигит экишни 10 апрелгача тамомлашга аҳд қилдилар.

Райондаги Охунбобоев номли, Т. Шевченко номли, Хрушчев номли колхозларнинг айрим бригадаларида ҳам чигит экиш бошланди.

Б. ЯХЁЕВ.

Ҳамкорлик натижаси

Бекобод районидаги Молотов номли колхоз аъзолари механизаторлар билан ўзаро ҳамкорликда фидокорона меҳнат қилиб, қишки-кузги тадбирларни изчиллик билан амалга оширдилар. Колхозда ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан белгиланган ишлар ҳам ўз вақтида бажарилди. Шунингдек, далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб махсус чукурларга кўмилиб қўйилди.

Шу кунларда колхоз аъзолари кўклам экиш кампаниясига тайёргарликни ҳар қачонгидан ҳам кучайтириб юбордилар. Бу ерда кузда шудгор қилиб қўйилиб ерларни бороналаш ҳамда текислаш ишлари уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Колхозчилардан И. Норматова, С. Алимова, А. Назаров каби ўртоқлар дала ишларида актив қатнашиб, кундалик нормаларини 2-3 ҳиссага етказиб бажармоқдалар. Бригада аъзолари Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги байрамини ҳар гектар ердан давлатга камида 30 центнердан пахта ҳосили топшириш билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Н. ШЕРБЕКОВ.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Аломат ҳодиса**, кечқурун **Ҳамза**, 31/III да кундуз ва кечқурун **Ганг дарёсининг қизи**.

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз **Евгений Онегин**, кечқурун **Оққуш қўли**, 31/III да кундуз **Қизил гул** («Аленький цветочек») кечқурун **Кармен**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 30/III да кундуз ва кечқурун **Азиз ва Санам**, 31/III да кундуз **Тоҳир ва Зуҳра**, кечқурун **Фарҳод ва Ширин**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Н. П. Гладильщиков гастроллари** ва бошқа номерлар. Тамоша кундуз соат 1 ва кеч 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — эрталаб соат 9 дан ва кеч 10-45 минутда **Икки океан сири** (I ва 2-серия), кеч соат 7 яримда **Мирза Ғолиб**, кеч 9 да кенг экранли фильм **Пролог**.

СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ, НАВОИЙ НОМЛИ, «ИСКРА», «ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» кундуз ва кечқурун **Икки океан сири** (I ва 2-серия).

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — эрталаб соат 9 да **Чук ва Гек**, кундуз ва кечқурун **Икки океан сири** (I ва 2-серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Икки океан сири** (I ва 2-серия), кундуз соат 3 да **Мирза Ғолиб**.

КОММУНА УЙИ — кундуз ва кечқурун **Мирза Ғолиб**.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 26334 ва 33262 орқали **Партия турмуши бўлими** — 136. **Пропаганда бўлими** — 136. **Совет қурилиши бўлими** — 132. **Маданият бўлими** — 132. **Адабиёт ва санъат бўлими** — 39040. **Қишлоқ хўжалик бўлими** — 135. **Саноат ва транспорт бўлими** — 132 **Хатлар бўлими** — 34048. **Маҳаллий ахборот бўлими** 135. **Секретариат** — 34048. **Эълонлар бўлими**